2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 10 (1071), 2024 йил 14 январь, якшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 32 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар!

Муҳтарам Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сана — Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Халқимиз сизлар каби мард ва жасур ҳарбийларимиз тимсолида Ватанни ҳимоя қилишдек дунёдаги энг улуғ ишни шараф билан адо этиб, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур Мирзо сингари буюк аждодларимизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган она юртимизнинг чинакам қалқонларини кўради.

Мана шу қутлуғ айёмда барчамиз сизларнинг метин иродангиз, жанговар руҳингиз ва шиддатингизга қараб, Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти, сарҳадларимиз дахлсизлиги мустаҳкам ишончли қўлларда эканини янада чуқур ҳис этмоқдамиз.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида эришаётган барча ютуқ ва марраларимизда Қуролли Кучларимиз ва уларнинг сафларида ўз вазифасини сидқидилдан адо этаётган минг-минглаб ҳарбийларимизнинг муносиб ҳиссаси бор, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Халқимизнинг асл ўғлонларига хос фазилатлар улуғланадиган мана шу унутилмас лаҳзаларда Ватан олдидаги бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ботир жангчиларимизни ёд этиб, уларнинг ўлмас хотираси олдида таъзим қиламиз.

Ишончим комил, улар ўзларининг жасорати ва ўчмас номлари билан эл-юртимиз қалбида ҳамиша барҳаёт яшайди, жанговар сафларда уларнинг ўрни, азиз хотираси ҳеч қачон йўқолмайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда **“Халқ ва армия — бир тану бир жондир”** деган эзгу ғоя асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, ҳарбий қурилиш соҳасини тубдан модернизация қилиш бўйича олиб бораётган ислоҳотларимиз натижасида миллий армиямизда чуқур сифат ўзгаришлари юз бермоқда, унинг сафларида хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Бу борада, айниқса, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган ишларимиз муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бугунги кунда ҳарбий хизматчиларимизнинг профессионал маҳорати ва обрў-эътибори жаҳон миқёсида ҳам юксалиб бормоқда. Буни мамлакатимиз Қуролли Кучлари вакилларининг нуфузли халқаро ҳарбий мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича ҳам комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз ҳамда Миллий армиямиз ва халқимизнинг фаол ҳамкорлиги туфайли Қуролли Кучларимиз мамлакатимиз тараққиёти, тинчлиги ва барқарорлигининг ишончли кафолатига, чинакам жасорат ва матонат мактабига айланмоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Қадрли дўстлар!

Дунё миқёсидаги ҳозирги ўта мураккаб вазиятда мамлакатимиз хавфсизлиги ва манфаатларини ишончли таъминлаш янада долзарб вазифамизга айланмоқда.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, **“Ўзбекистон — 2030”** стратегиясида мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, юртимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантириш масалалари устувор йўналишлар этиб белгиланди.

Шу асосда мамлакатимизнинг ҳарбий-илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини ошириш, уларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, қўшинлар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этишга янада улкан аҳамият қаратамиз.

Буюк Амир Темур бобомиз айтганларидек, **ғалаба тақдирини аввало қўшиннинг жанговар руҳи ва тайёргарлиги, маънавий қудрати ва мустаҳкам иродаси ҳал қилади**.

Шу боис, миллий армиямизнинг чинакам куч-қудратини белгилаб берадиган қўрқмас ва довюрак ҳарбийларимиз қалбида жанговар руҳни ошириш, уларни ҳар қандай қийинчилик ва синовга чидамли ва матонатли этиб тарбиялаш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Азиз Ватан ҳимоячилари!

Сизларни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда улкан зафарлар тилайман.

Азму шижоатли Ўзбекистон ҳарбийлари — Ватанимиз посбонларига шон-шарафлар бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ТИНЧЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ, МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Мамлакатимизда ҳар йили Ватан ҳимоячилари кунини миллий байрам сифатида нишонлаш ўзига хос анъанага айланган. Бу бежиз эмас, албатта. Сизу бизнинг ҳаётимиз Қуролли Кучларимиз томонидан ишончли тарзда ҳимоя қилинмоқда. Мана шундай масъулиятли бурчни адо этаётган, тараққиётимиз барқарорлигига камарбаста бўлаётган ҳарбийларимизни ҳар қанча эъзозласак, эътироф этсак арзийди.

Пойтахтимиздаги “Халқлар дўстлиги” санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали байрам тадбири ўзига хос шукуҳ, кўтаринки кайфиятда нишонланди.

Байрам тантанасида Олий Мажлис ва ҳукумат аъзолари, ҳарбий хизматчилар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, кенг жамоатчилик иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 32 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов ўқиб эшиттирди.

Қайд этиш керакки, байрам шодиёналари Президентимиз фармойишига асосан юртимизнинг ҳар бир ҳудудида кўтаринки руҳда ўтказилаётир.

Байрам тадбирида ҳарбий хизматчилар томонидан жанговар санъат маҳоратини ўзида жамлаган ва Қуролли Кучлар қудратини намойиш этувчи, ватанпарварлик руҳи билан йўғрилган кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.

Таниқли санъаткорлар, ҳарбий оркестр ва бадиий жамоалар ижросидаги она Ватанни улуғловчи куй-қўшиқлар, дилбар рақслар гулдастаси барчага хуш кайфият бағишлади.

Тантаналарда юзларида самимий табассум, атрофга мамнуният билан боқаётган ҳарбийларнинг дил изҳорларини, кўнглидан кечаётган фикрларини борича қоғозга туширдик.

Давоми 2-бетда

Буюк ўзбек йўли

БИЗ НЕДАН ТАРАҚҚИЙ ИСТАРМИЗ?!

Ёхуд ватанпарварлик бўлмаган жойда фаровонлик йўллари ёпилади

Бир қарашда ҳаётимиз маромида кечаётгандек, ҳар иш, юртимиздаги ҳар бир ўзгариш ўз-ўзидан бўлаётгандек кўринади. Аммо тириклик қисматининг ўз моҳияти, қувватланиш манбалари бор. Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти якунлари ва яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишидан ана шундай хулосалар билан чиқдик.

Шу ўринда алоҳида қайд этишни истардикки, мазкур йиғилиш Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг 2023 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида миллий маънавий тараққиётга доир илгари сурилган фикрларнинг мантиқий давоми, вазифаларнинг тизимлилиги сифатида барчамизда жўшқин таассурот қолдирди.

МИЛЛИЙЛИК ИҚТИДОРИ

Инсон ҳис-туйғулари, баъзан закоси ҳам кўпинча муваққат бошқарув искан-жасида қолади. Бу бошқарув ўрами аниқ ўйланган, кимнингдир манфаати учун аталган мафкуравий, ғоявий мақсадларга хизмат қилади, аниқроғи, йўналтирилади.

Бир қарашда ахборий кўриниш касб этган мазкур жараён замирида катта-катта сиёсий, иқтисодий манфаатлар яширин экани кўпчилик, ҳатто зиёлилар қатлами ҳам сезиши гумон бўлган услубда, ғоят моҳирона сингдирилади. Бу XXI асрнинг энг аёвсиз онг ости хуружидир.

Давоми 3-бетда

Таҳлил ва таққос

Туризм экспорти ИККИ МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШДИ

Бу кўрсаткич соҳа жадал ривожланаётгани, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланаётганидан далолат

Бугун биз глобаллашув жараёни тобора жадаллашган, турли соҳаларда ҳамкорлик алоқалари ривожланиб, ахборот оқими тезлашган замонда яшаяпмиз. Табиийки, бундай шароитда одамларнинг дунё бўйлаб эркин ҳаракатланиши ва ўзаро борди-келдилар тобора ривожланяпти. Бу жараён халқаро муносабатлар билан бир қаторда, сайёҳлик ривожида ҳам муҳим омил бўлаётир.

Маълумотларга кўра, коронавирус пандемиясидан кейинги йилларда дунёдаги қатор давлатлар томонидан олиб борилган тизимли ишлар натижасида бугунги кунда туризм қайта оёққа турмоқда. Буни биргина 2022 йилда дунё миқёсида салкам бир миллиард сайёҳ хорижга саёҳат қилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. 2023 йилда эса бу рақам янада ўсди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, туризмдан топилган даромаднинг 30 фоизи одамларнинг қўлига иш ҳақи бўлиб боради, саноат ва бошқа тармоқларда бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди. Шунинг учун ҳам сайёҳларни жалб қилишнинг янгидан-янги йўллари изланяпти. Хусусан, кўплаб давлатлар ҳозирги мураккаб вазиятда ўз иқтисодиётини тиклаш ва долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишда туризм соҳасига таянмоқда. Глобал рақобат муҳити кучаймоқда. Бу бежиз эмас, албатта.

Зеро, соҳага киритилаётган маблағ келгусида яхши даромад келтиради. Яратилаётган ҳар бир янги иш ўрни эса бошқа тармоқларда яна 2 та иш жойини ҳосил қилишга имкон беради. Шу боис, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қаторида туризмни ривожлантириш тараққиёт йўлини кўзлаган ҳар бир давлат олдидаги муҳим стратегик вазифа ҳисобланади.

Давоми 4-бетда

Соҳадаги улкан ўзгаришларнинг ижобий натижаси сифатида Ўзбекистон ҳарбийларининг “Халқаро армия ўйинлари”, “Кембрия патрули” (Англия), “Энг яхши жангчи” (АҚШ) ва бошқа йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани барчамизни қувонтиради.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 14 январь, 10-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

ТИНЧЛИГИМИЗ КАФОЛАТИ, МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ ТИМСОЛИ

Бошланиши 1-бетда

— Ҳаётимнинг салкам 50 йилини шу соҳага бағишладим ва бундан жудаям мамнунман. Бугун армия ва халқнинг бирлиги натижасида Қуролли Кучларимиз жамиятнинг ажралмас қисмига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мустаҳкам боғичига айланди, десам ҳеч муболаға қилмаган бўламан, — дейди мудофаа вазири маслаҳатчиси, фахрийлар марказий кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Абубакр Наврўзов. — Қуролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишлар янги босқичда жадал давом эттирилмоқда. Соҳага рақамлаштириш ва илғор технологиялар жорий этилмоқда. Буларнинг барчаси миллий армиямизнинг том маънодаги нуфузи ва обрўсини янада юксалтириш, фахримиз ва ғуруримиз тимсолига айланишида асосий омил бўлмоқда. Ватанни, ўз халқини ҳимоялаш, аслида, ҳар бир инсоннинг вазифаси. Биз, ҳарбийларга билдирилган ишончни оқлаш, Ватанимизга, халқимизга садоқат билан хизмат қилиш эса ҳаётимизнинг бош шиоридир.

Дарҳақиқат, инсон қадрига устувор эътибор қаратилаётган кейинги йилларда ҳарбий соҳани ислоҳ этиш, мазкур йўналишдаги миллий қонунчиликни давр талабига мос тарзда такомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳарбий хотин-қизларнинг ҳам ўрни беқиёс, хизматлари юксак.

— Эл-юрт тинчлиги, унинг корига яраш наинки мақсадимиз, балки умримиз мазмунига айланиб бормоқда. Юрт тинчлиги, халқимиз ҳимояси учун биз — ҳарбий хотин-қизлар ҳам жонимизни беришга тайёрмиз. 32 ёшни қаршиладим. Бугун ҳарбийлик формасини кийиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётганимдан фахрланаман, — дейди Марямхон Тожибоева. — Жорий йилда Қуролли Кучларимиз тизимидаги ҳарбий хизматчи аёллар ўртасида ўтказилган “Тўмарис издошлари — 2023” республика кўрик-танловида биринчи ўринни қўлга киритдим. Бу кўнглимда энг ёрқин, фарахбахш туйғуларни уйғотди. Байрамда Президентимизнинг табригини тинглаб, ўзимдан, касбимдан ва бизга билдирилаётган юксак ишончдан янада куч олдим.

Чиндан ҳам бугун ҳарбий-ватанпарварлик ва маънавий-ахлоқий соҳада ҳарбий хотин-қизлар салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги ишлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. “Халқ ва армия якдил” тамойили асосида олиб борилаётган ишлар ҳарбий қисм ва муассасаларнинг эшикларини ёшлар ва аёллар учун кенг очиб берди. Бир сўз билан айтганда, армия ва халқ бирлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

— Шонли тарихимиз, буюк аждодларимиз, енгилмас саркардаларимиз жасорати, уларнинг “Билаги зўр — бирни енгар, онги ва юраги зўр эса — мингни” деган доно ўгитлари бизга айнан мана шундай ҳаётий ҳақиқатни уқтиради. Соҳадаги улкан ўзгаришларнинг ижобий натижаси сифатида Ўзбекистон ҳарбийларининг халқаро йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани барчамизни қувонтиради, — дейди катта лейтенант Исломжон Қўчқоров. — 2023 йилда ҳам Мудофаа вазирлиги қўшинлари бир қанча муваффақиятларни қўлга киритди. Хусусан, Американинг Миссисипи штатида бўлиб ўтган “Энг илғор жангчи” мусобақасида иштирок этган аскар йигитларимиз барча босқичлардан муваффақиятли ўтиб, фахрли биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, Буюк Британияда ўтказилган “Кембрия патрули” мусобақасида 44 давлатнинг 118 жамоаси ўртасида 2-ўринни ва Корея Республикасида ўтказилган “Халқаро илмий жанговар тайёргарлик” мусобақасида 5 давлатнинг 13 жамоаси ўртасида биринчи ўринни қўлга киритди. Бир сўз билан айтганда, ортда қолаётган ҳар бир кун шунчаки ўтиб бораётгани йўқ.

Дарҳақиқат, кенг кўламли ислоҳотлар натижасида биргина ўтган йил давомида Мудофаа вазирлиги қўшинлари мутахассислари халқаро аренадаги турли ҳарбий мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Соҳадаги улкан ўзгаришларнинг ижобий натижаси сифатида Ўзбекистон ҳарбийларининг “Халқаро армия ўйинлари”, “Кембрия патрули” (Англия), “Энг яхши жангчи” (АҚШ) ва бошқа йирик ҳарбий-спорт мусобақаларида бир неча йиллардан буён салмоқли ютуқларни қўлга киритаётгани барчамизни қувонтиради.

ЎзА суратчи.

Рашид Галиев олган суратлар.

Жорий йил 12 январь куни бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторларнинг 2023 йилдаги фаолияти якунлари ва яқин истиқболга мўлжалланган вазифалар муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилишда давлатимиз раҳбарининг “Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур”, деган сўзлари ҳамда мамлакатимиз ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан берган тегишли топшириқлари, навқирон авлод вакилларининг юртимиздаги ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини ошириш борасидаги фикрлари келажак ёшларининг ҳаётида муҳим аҳамият касб этади.

— Ўтган йили АҚШда ўтказилган “Энг илғор жангчи — 2023” мусобақасининг мутлақ ғолиби бўлиб, шоҳсупага кўтарилганимда, биргина шу ютуқнинг масъулияти нечоғлиқ шарафли, улуғвор ва масъулиятли эканини янада теран ҳис этдим, — дейди кичик сержант Азамат Кенжаев. — Тўғри, биз тараққиёт асрида яшаяпмиз. Аммо ёшларга имкониятлар яратилмаса, қўллаб-қувватланмаса, бизлар юксак марраларни забт эта олмаймиз. Бугунги байрам тантанасидан фойдаланиб, ушбу имкониятлар бошида турган Президентимизга раҳмат айтаман ва барча юрт посбонларини табриклайман.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов иштирок этди.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ШИМОЛДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Қорақалпоғистон Республикаси ҳам мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари каби туб ўзгаришлар, янгиланишлар оғушида тобора чирой очиб бормоқда. Янги Ўзбекистондаги ҳар бир ўзгариш, энг аввало, меҳнаткаш халқимиз учун фойдали бўлиши, уларнинг юмушини осонлаштириши, кўп йилларга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлаётир. Зеро, яратилаётган барча қулайлик, бунёд этилаётган иншоотлар халқимизга хизмат қилиб, юртимиз тараққий этишига ҳисса қўшяпти.

Мудофаа вазирлиги тизимида ҳам шунга монанд улкан янгиланиш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси юрт ҳимоячиларининг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тизимда диққатга сазовор асосий ўзгаришларни қўшинларни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникалар билан бутлаш, юрт ҳимоячиларининг касбий маҳоратини ошириш, қўшинлар тайёргарлигига илғор технология ва ахборот тизимларини жорий қилиш, қолаверса, бунёдкорлик ишларида кўриш мумкин, албатта. Эски бино ва иншоотлар ўрнида бугун янгилари бунёд этилиб, йиллар давомида таъмирталаб ҳолатга келиб қолганлари капитал таъмирдан чиқариляпти.

— Нукус ҳудудий уй-жойдан фойдаланиш қисмида капитал таъмирдан чиқарилган автомобиль техникаларини сақлаш паркини фойдаланишга топширдик, — дейди Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони, генерал-майор Фарҳоджон Шерматов. — Ушбу объект 1990 йилда бунёд этилган бўлса-да, шундан буён умуман таъмирланмаган. Кейинги йилларда бу ердаги яроқсиз ҳолга келиб қолган техникаларни янгилаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Мудофаа вазирлиги томонидан “Камаз” русумли автотранспорт базасига ўрнатилган 16 тонна юк кўтаришга мўлжалланган автокран, “WZ-30-25” русумли юкловчи трактор, сув ташишга мўлжалланган техникалар тақдим этилди.

Таъмирталаб ушбу объектда махсус техникаларни сақлаш, техник хизмат кўрсатиш, умуман олганда, уларни табиий иқлим шароитидан асраб-авайлашда қатор муаммолар бўлган. Техникалар турар жойлари, яъни бокслардаги иситиш тизими носозлиги, ғишт ва бетон тўсиқларнинг емирилиши оқибатида қаҳратон қиш совуғи сабабли техникаларни ўт олдириш ҳам катта қийинчилик туғдирган.

Мудофаа вазирлиги томонидан ажратилган маблағ эвазига мазкур техникалар парки янгидан фаолият бошлади, десак муболаға бўлмайди. Капитал қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида боксларда иситиш тизими ўрнатилиб, техникаларни сақлаш шароити яхшиланди. Эндиликда паркда илгари бўлмаган машиналарга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш тармоғи, устахоналар, ҳайдовчиларни тайёрлаш синфи, парк бўйича навбатчилик хоналари, ҳайдовчилар дам олиши ва ювиниши учун хоналар барпо этилди. Буларнинг барчаси махсус техникаларни соз ва шай ҳолатда сақлаб туриш, уларга сифатли техник хизмат кўрсатиш, бир сўз билан айтганда, ҳарбий хизматчиларга замонавий шароит яратиш мақсадида бунёд этилди.

Ёрдамчи хўжаликлардан қўшимча даромад

Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм ва муассасаларга бириктирилган бўш ерлардан даромад манбаи сифатида унумли фойдаланиш, тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида паррандачилик, деҳқончилик, балиқчилик, асаларичилик, чорвачилик учун кенг имкониятлар яратилмоқда.

> **Уч авлод учрашувида мамлакатимиз Мудофаа ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари тизимида кўп йиллик меҳнат қилган, ҳаётий тажрибага эга фахрийлар, айни вақтда армия сафларида хизмат қилаётган офицер ва сержантлар ёш аскарларга бугунги тинчлигимиз, осойишталигимиз биз учун энг олий неъмат эканини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириб берди, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз экани таъкидланди.**

Жумладан, Шимоли-ғарбий ҳарбий округдаги ҳарбий қисм ва муассасалар таъминоти учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва топшириш, шахсий таркибнинг овқатланиш рационини витаминларга бой, сифатли мева-сабзавот, гўшт ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжаликлар фаолиятидан унумли фойдаланилмоқда.

Гарнизондаги ҳарбий қисмлардан бирининг моддий таъминот бўлинмасида илгари бўш турган унумсиз ернинг 30 сотихида 2022 йилда иссиқхона қурилган эди. Бугунги кунда иссиқхонада сабзавот маҳсулотлари билан бир қаторда, анвойи гуллар ҳам етиштириляпти. Гулларни сотиш орқали бўлинманинг моддий даромадини оширишга эришиляпти.

— Иссиқхона қурилган ер майдони олдин унумсиз, қумлик бўлгани учун у ердан умуман фойдаланилмаган, — дейди Шимоли-ғарбий ҳарбий округ матбуот хизмати бошлиғи, подполковник Тимур Нарзиев. — Ернинг унумдорлигини ошириш мақсадида ўғитлар билан бойитилган унумли тупроқ олиб келиниб, ундан кейингина экин экилиши синовдан ўтказилди. Мазкур усул яхши самара берди, ўтган йили бодрингдан яхшигина даромад олинди. Экинларни томчилатиб суғориш тизими эса сувни тежаш ҳамда етарли миқдорда намликни сақлашда самарали бўлмоқда. Бу йилги мавсумда эса 7 мингдан зиёд помидор кўчати экилиб, мавсум бошланганидан буён 6 тоннага яқин ҳосил йиғиб олинди. Шунингдек, 2023 йилда ҳарбий шаҳарча ҳудудидаги яна 30 сотихдан ортиқ бўш турган ер майдонида бунёд этилган иссиқхонада ҳам бодринг ҳосилга кирди. Бу йил ҳосилдан унумли даромад олиш режалаштирилган, ҳозиргача 2 тоннадан ортиқ бодринг териб олинди.

Иссиқхонадаги экинларни парваришлаш ҳамда етилган ҳосилни териш учун алоҳида ёлланма ишчи кучидан фойдаланилмоқда. Асосийси, сабзавотлар савдосидан тушаётган даромаднинг барчаси ҳарбий қисм ва муассасаларни ривожлантириш, ҳарбий хизматчиларга субсидия асосида кредитлар ажратиш, шахсий таркиб овқатланиш рационини яхшилашга йўналтирилмоқда. Қолаверса, етиштирилаётган мева ва сабзавотлар ҳарбий хизматчилар оила аъзоларига арзонлаштирилган нархларда ҳам сотилмоқда.

Уч авлод учрашуви

Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 32 йиллиги ҳамда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни байрамини ҳар йилгидек кўтаринки руҳда юртимиз бўйлаб ўтказилаётган “Ватанпарварлик ойлиги”да турли маънавий-маърифий, маданий ҳамда бадиий тадбирлар, учрашув ва мусобақаларда мардлар касби улуғланиб, юрт ҳимоясига масъул инсонларнинг шарафли ва машаққатли хизмати эътироф этилмоқда.

Уч авлод учрашувида мамлакатимиз Мудофаа ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари тизимида кўп йиллик меҳнат қилган, ҳаётий тажрибага эга фахрийлар, айни вақтда армия сафларида хизмат қилаётган офицер ва сержантлар ёш аскарларга бугунги тинчлигимиз, осойишталигимиз биз учун энг олий неъмат эканини ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтириб берди, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз экани таъкидланди.

Суҳбат давомида ҳарбий хизматчилар кўп йиллик тажрибага эга ҳамда бугун ҳам армия ҳаёти билан ҳамнафас яшаб келаётган устозлар билан мулоқот қилиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди. Биргаликда қўшиқлар куйлаб, хизматдаги ютуқлари ҳақида ўртоқлашди.

Шунингдек, ҳарбий қисм меҳмонлари юрт ҳимоячилари билан шахмат-шашка бўйича дўстона турнирда иштирок этиб, адабиётга бой кутубхонада китоб мутолаасининг фойдали жиҳатлари ҳақида фикрлашди.

Ҳарбий қисмда икки йил олдин бунёд этилган спорт машғулотлари зали ёши улуғ фахрийларда катта қизиқиш уйғотди. Улар ўзлари хизмат қилган йилларда бундай шароитлар бўлмагани, бунинг қадрига етиш кераклигини таъкидлади.

Умуман олганда, мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида ҳарбий қисмларда замон талабларига мос шароитлар яратиляпти, армиямиз сафларида ҳарбий хизматни ўташ ҳар бир ёш орзу-мақсадларининг ажралмас қисмига айланди. Бугун минглаб ана шундай ватанпарвар, мард ва жасур ёшлар юртимиз шимолида Ватанимиз тинчлигини асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш учун хизмат қилмоқда.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Буюк ўзбек йўли

БИЗ НЕДАН ТАРАҚҚИЙ ИСТАРМИЗ?!

Ёхуд ватанпарварлик бўлмаган жойда фаровонлик йўллари ёпилади

Салим ДОНИЁРОВ

Бошланиши 1-бетда

Энди савол туғилади: **бу хуруж искан-жасига қарши қандай курашилади ёки унинг “вакцинаси” борми?**

Бунинг учун икки муҳим ғоявий ҳодисани улғайтириш керак бўлади. **Биринчиси — макон тушунчаси ва дахлдорлик туйғуси. Иккинчиси — миллий ўзлик ва миллий ғурур тарбияси.**

Макон бу — Ватан. Жамиятлашув илдизлари асрлар оша кишилар онгини такомиллаштириб келади. Одам авлодлари тааллуқлилик жиҳатидан ўзаро жипслашади, шунда ички ва ташқи муҳит пайдо бўлади. Шу тариқа навбат давлатчилик муҳофазасига етади.

Ким қайси заминда туғилса, ўша жой унинг Ватани бўлиши аён ҳақиқат. Аммо биз бу ўринда бошқа бир муҳим мушоҳадага — миллий давлатчилик қисматига навбат бермоқдамиз. Давлатчиликни қисмат деяпмиз. Боиси, ватан ҳам, жамиятдаги қадриятлар ва миллий яшовчанлик тақдири ҳам, аввало, давлат атрофида жам бўлади, давлатчилик анъаналари билан такомилига етади ва сақланади. Инсониятнинг илк асрларида миллий хавфсизлик эҳтиёжи пайдо бўлиши билан давлатчилик анъаналари бардавом бўлиб келмоқда. Шу маънода, инсонлар ўз маконини севиши, қадрлаши ва қалб туморига айлантириши зарурий эҳтиёждир. Иккинчи томондан, ватанга дахлдор бўлиш ҳам инсоний бурч сифатида талқин қилиниши керак.

Бугунги дунёда мутлақо янги мафкура шаклланмоқда. Бу ҳақда Президентимиз таъкидлаганидек, **азалий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда. Илгари ўз мақсад ва манфаатларини, асосан, дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз.**

Агар шу нуқтаи назардан хулоса қиладиган бўлсак, мақоламиз аввалида айтганимиздек, ҳаётдаги ҳеч бир ютуқ, айниқса, тинчлик-тотувлик ва ҳамжиҳатлик толеи ўз-ўзидан, осонликча бўлмаётганини англаб, тушуниб етиш мумкин. Демак, тириклик қисматининг моҳияти ва қувватланиш манбалари ҳам, аввало, шукроналик, ватанга содиқлик, ўзликни англаш ва миллий ғурурни юксалтириш асосида намоён бўлади.

Энди миллий ўзлик ва миллий ғурур иқтидори ҳақида гапирсак. Бундай иқтидор қачон пайдо бўлади ва такомилига етади?

Аслида, бу туйғу қон суради. Яъни шажаравий хусусиятга эга. Сўнг тарбиявий аҳамият касб этади. Шажаравий хусусият, деганимиз сабаби шундаки, бобо-момо, ота-она, умуман, аждодлар феълидаги хусусиятлар, ҳиссиётлар кўчиб юради. Фақатгина у сустлашиши ёки аксинча, фаоллашиши мумкин. Шу боис, бизда насл-насабга кенг эътибор билан қаралади. Бундан келиб чиқадики, ота-она ғурурли бўлса, фарзанд ҳам шундай камол топади.

Миллий юксалишнинг тарбиявий аҳамиятига келадиган бўлсак, атроф-муҳит ва ташқи таъсирлар кучини эътироф этиш керак. Бир фарзанд дунёга келиши ва унинг қобил инсон, ватанпарвар ва зўр иқтидор эгаси бўлиб камол топиши жамият учун катта ютуқдир. Чунки бундай фарзандлардан ҳамма бирдек манфаат кўради, барака топади. Тараққиёт янги манзиллар сари дадил одимлай бошлайди.

Халқимизда ажойиб мақол бор: “Бир болага етти маҳалла ота-она”. Бу неча-неча асрлар хулосаси. Эътибор берсак, ўзбек жамияти маҳаллалари ҳамиша тарбия маскани бўлган. Маҳаллаларда тарбияни ким таъминлаган? Албатта, кайвонилар, яъни катта авлод вакиллари. Дарвоқе, этнотарихимиздан ҳам маълумки, оилада фарзанд туғилса, ота-она таъминотчи, бобо-момо эса тарбиячи ролини бажариб келган.

Шундай экан, яна бир долзарб савол пайдо бўлади. Бугун бу борадаги аҳволимиз қандай? Таомиллар-чи?

Бир қарашда ҳозир ҳам шундайдек. Оилада катталарнинг ўрни бор, маҳалла фаоллари бор, кайвониларимиз соғ-саломат. Лекин, очиқ айтиш керак, ҳақиқий аҳволимиз унчалик ҳам мақтангулик эмас.

Тарбиямизда миллийлик, ватанпарварлик руҳи ўтмаслашиб бораётир. Бу хавотир билан айтишимиз керак бўлган оғриқли муаммога айланиб улгурди. Таъбир жоиз бўлса, миллий масаладир.

Ўзингиз айтинг-чи, бугун қайси бир маҳаллани ҳақиқий маънода, алоҳида ғурур билан ватанпарварлик маскани сифатида ўрнак қилиб кўрсата оламиз?

Биз ёлғон мақтовлар, сохта мулозаматлар замонидан ўтдик. “Қоғоз тараққиёт” даври ортда қолди. Лекин руҳимиз у давр қуршовидан озод бўлдими? Ўзимизни ўзгартира олдикми? Бугун барчамизни мана шу саволлар ўйлантириши керак.

Мақоламиз аввалида муваққат бошқарув ҳақида айтган эдик. Унинг асл қиёфаси уринишлардан касбланади. Ёшлар онги учун кечаётган кураш улардан бири.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза юзага чиқади. Юқорида ҳам таъкидлаганимиздек, ҳозир дунёдаги катта геосиёсатни ахборотлар бошқармоқда. Айрим мамлакатлар, миллатлар бошига тушган кулфату қайғу сабабчиси ҳам ахборот уруши оқибатидан эканини барчамиз англашимиз зарур.

Замон таҳликага тўлиб бораётгани ҳақида кўп гапирамиз. Аммо бу таҳликаларга қарши маънавий иммунитетни шакллантириш борасида кўп ҳам жиддий қайғурмаяпмиз, аслида.

Ҳозир бу фикрларни бежиз айтмаяпмиз. Чунки гапимиз маҳаллалардаги маънавий аҳвол, ватанпарварлик муҳити ҳақида бораётган эди. Бизнинг фарзандларимиз турғунлик даври, мустабид тузум залолатини кўрмаган. Илоҳим, кўрмасин ҳам! **Аммо тарих сабоқ олиш, тараққий этиш мақсадида ёзилганидек, ёди ёқимли бўлмаган у кунлардан ёшларимиз ўзига хулоса олиши, бугун қандай замонда яшаётганимизни азиз вужуди билан ҳис қилиши учун ҳам маҳаллаларда нуронийларимиз иштирокидаги маънавий-маърифий суҳбатларни кўп-кўп ўтказиб туриш керакка ўхшайди, назаримизда.**

Шундагина биз ўзимизни янги замон руҳига муносиб ватанпарвар инсон деб билишимиз мумкин Шундагина ёшларимиз онгини ташқи таъсирлардан ҳимоя қиламиз. Миллий ўзлик ва миллий ғурур тарбияси қўр олади. Ҳеч бир ташқи куч таҳдид сололмайди, биздан чекинади. Шундагина бизда миллийлик иқтидори улғаяди. Бу иқтидор эса эртанги кунимизда олдимиздан чиқади — юксалиш йўли бўлади!

МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ САОДАТИ

Баъзи касалликнинг сўрови бўлмайди. Боши ёки тиши оғриб ётган танишимизнинг уйига ҳол сўрашга бормаймиз. Қачонки у шифохонага тушиб, оғир аҳволга келсагина, қайғургандек бўламиз.

Маънавий қиёфасизлик ҳам шундай. Кўчада кетаётган кишидан маънавиятингиз қани, деб сўралмайди. Қалбингизда кемтиклик борми, атрофдаги воқеа-ҳодисалардан танангиз зирқирамаяптими, дея саволга тутмаймиз. Ниҳоят, маънавий қиёфасизликнинг оқибатини зил-замбил қилиб кўтариб юришга мажбур бўламиз. Бу миллат учун инқироз йўли эканини бугун англашимиз шарт, акс ҳолда, бизни бошқалар ўз ҳукмига солади.

Мана шунинг учун ҳам Президентимиз маънавий тараққиётни бир зум бўлса-да, эътиборсиз қолдирмаяпти. Хавфсизлик кенгашининг кечаги йиғилишида бунга яна бир бор амин бўлдик.

Глобаллашув жараёнлари ҳамда одамлар, айниқса, ёш авлоднинг қалби ва онги учун кураш кучайиб бораётган ҳозирги ўта мураккаб шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

— Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан ҳимоячиси бўлишимиз, ёшларимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур, — деди Президентимиз.

Амалда Ватан ҳимоячиси бўлишнинг замирида катта ҳаётий ҳақиқатларни англамоғимиз керак бўлади. Айниқса, ёшлар тарбиясида. Улар нималардан иборат ва ҳаётимизда қандай акс этиши зарур?

Биринчиси — қалб тарбияси. Фарзандларимизни ҳали болалигидан ватанга муҳаббат ҳисси билан тарбиялашимиз керак. Юрагида ватанга, инсонларга катта муҳаббат билан улғайган ўғил-қиз кун келиб, фақат яхшиликлар соҳиби бўлади. Бундай авлодни ҳеч бир ҳийлаю найранг ўз доимига тортолмайди. Улар алдовларга, ёлғонларга учмайди, зарга ҳам, зўрга ҳам бўйин эгмайди.

Иккинчиси — фидойилик ва жонбозлик руҳини кучайтириш. Ишда, кўчада, маҳаллада, турли йиғинларда одамлар билан мулоқот қилар экансиз, ҳиссиз ва жўшқин қиёфаларга дуч келасиз. Ҳар икки тоифани лоқайдлик ва жонбозлик, беғамлик ва фидойилик ажратиб туради. Бундан хулоса шуки, жамиятда токи лоқайд ва беғам одамлар учрар экан, демак, миллий тарбиямизда кемтиклик бор. Агар ёшларимизда ҳам фидойилик ва жонбозлик руҳи сезилмаётган бўлса, биз бунга бутун халқ бўлиб курашмоғимиз керак.

> Бугун биз жадал тараққий этяпмиз. Лекин тараққиёт йўли шундайки, уни бир зум ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Шу маънода, бир ҳақиқатни жуда теран англаб олиш вақти аллақачон келган. Ватанпарварлик бўлмаган жойда фаровонлик йўллари ёпилади, мадорсиз ҳаяжоннинг қуввати ҳам ҳаминқадар бўлади.

Учинчиси — тонгни қаршилашни ўргатиш. Ота-боболаримиз ҳар тонгни шукрона айтиш билан бошлайди. Бу — миллий анъана.

Бугун қуролли можаролар авж олган, эътиқодий тўқнашувлар урчиётган мамлакатларда яшаётган одамлар бир тун бехавотир ухлашни орзу қилади, Яратгандан тинчлик-омонлик сўраб ёлворади. Фарзандидан жудо бўлган ота-оналарнинг ноласини эшитишдан оғир азоб йўқ бу дунёда. Шундай экан, ҳар бир инсон, у каттами-кичикми, бойми ё камбағал, аввало, тинчликнинг қадрига етиши керак ва бу муқаддас эътиқодимизга ҳам мақбул ишдир.

Ахир қаердаки нимадир қадр топса, унинг атрофида фақат эзгу ишлар бўлиши бизга яхши маълум. Шу боис, фарзандларимиз қалбида шукроналик ҳиссини чўғлантириб туриш ватанни севишга чорлайдиган энг таъсирчан воситадир.

Бу, албатта, бир қарашда осон иш, енгил чорадек туюлади. Лекин амалда эса ҳамма ҳам бу мақомга эриша олмаётганини, аччиқ ҳақиқат бўлса-да, айтиш керак. Сабаби нима, деб сўрасангиз, жавобимиз битта бўлади — маънавий етуклик етишмайди.

> Макон бу – Ватан. Жамиятлашув илдизлари асрлар оша кишилар онгини такомиллаштириб келади. Одам авлодлари тааллуқлилик жиҳатидан ўзаро жипслашади, шунда ички ва ташқи муҳит пайдо бўлади. Шу тариқа навбат давлатчилик муҳофазасига етади.

Шунга қарамай, бизда мустаҳкам тарихий замин бор. Бу борада биз жадид боболаримиз ўгитлари, уларнинг фитратидан сабоқланишимиз керак бўлади.

Давлатимиз раҳбари **ҳар бир Ўзбекистон фуқароси, аввало, раҳбарлар халқимиз, она юртимиз олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, чинакам ватанпарвар бўлиши шарт! Ўтган аср бошида кураш майдонига чиққан жадид боболаримиз кўтарган ғоя нима эди?**

Албатта, фидойилик ва ватанпарварлик бўлган.

Шу маънода, улуғ мутафаккир, жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон халқининг манфаати уч нарсага боғлиқ, деб айтган. Биринчиси — ғалла, яъни озиқ-овқат хавфсизлиги, иккинчиси — аскар, учинчиси — ҳарбий тизимни шакллантириш, деб юз йил олдин айтган сўзлари чуқур маънога эга, дея бежиз қайғурмади.

Мана шу уч нарса бугун ҳам бизни саодатга элтишига шубҳа-гумонимиз йўқ. Боиси, Ўзбекистон замини серҳосил, меҳнаткаш ва тадбиркор халқимиз бу табиий неъматдан унумли фойдаланиш ҳадисини олган. Бугунги миллий армиямиз қудрати ҳам ҳеч кимдан кам эмас. Бизнинг аскар йигитлар кучига, ақлий қувватига дунё тан бераётганини кўриб турибмиз.

Ҳарбий тизимни шакллантириш борасида ҳам фахрланса арзигулик ишларимиз бор. Кейинги йилларда “Халқ ва армия — бир тану бир жон”, деган тамойил асосида ҳарбий-маънавий муваффақиятларга эришдик, дея баралла айта оламиз.

БОТИНИЙ ЧАҚИРИҚ

Яна бир ўтли саволни ўртага ташлаймиз: **фуқаролик позицияси, деганда нимани тушунамиз?**

Келинг, бу саволга жавобни ташқаридан излайлик. Инсон феъли баъзан тор бўлади. Шу боис, халқимиз ўз эпосларида кенг феъллилик ҳақида кўп ва хўп гапирган. Аммо беш қўл баробар эмас. Яхшиликни, яхши хислатларни, яхши ютуқларни кўролмаслар ҳам бор. Лекин улар орасида юртга, миллатга тош отиш, миллийликка дахл қилиш “фазилат”ини кечириб бўлмайди.

Бу ерда бир муҳим жиҳатни унутмаслик керак. Мураккаб замон талаблари ва табиатдаги жиддий ўзгаришлар давлатлар олдига ниҳоятда долзарб вазифаларни қўймоқда. Вазият шу даражада мураккабки, ҳатто яқин келажакда яшаб қолиш илинжидаги сиёсий ҳаракатлар ҳеч нарсадан тап тортмаяпти. Бор имкониятлар, улар қанчалик разил бўлмасин, ишга солинмоқда.

Шундай вазиятда ҳеч бир муносабатни беэътибор қолдириб бўлмайди. Бу борада бизнинг фуқаролик позициямиз қониқарлими, деган савол бўлиши тайин, албатта.

Ҳа, тўғри, бугун биз жадал тараққий этяпмиз. Лекин тараққиёт йўли шундайки, уни бир зум ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Шу маънода, бир ҳақиқатни жуда теран англаб олиш вақти аллақачон келган. Ватанпарварлик бўлмаган жойда фаровонлик йўллари ёпилади, мадорсиз ҳаяжоннинг қуввати ҳам ҳаминқадар бўлади.

Демак, биз, барчамиз, бутун халқимиз билан жадид боболаримиз каби тилда, фикрда, ишда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишимиз зарур. Бу эзгу ва олижаноб ғоя бутун халқимиз, авваламбор, фарзандларимиз қалбидан чуқур жой эгаллаши керак.

Шу боис, Президентимиз кечаги йиғилишда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди. Навқирон авлод вакилларининг юртимиздаги ислоҳотлар жараёнидаги иштирокини ошириш, улар ўз интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароитлар яратиш муҳимлигига эътибор қаратди.

Шунингдек, ёшларнинг **фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш** мақсадида медиа маконда олиб борилаётган ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги ишларни кучайтириш вазифаси ҳам қўйилди.

Бу оддий гаплар эмас. Беэътибор бўладиган мавзу ҳам эмас. Ҳар бирининг замирида қудратли эврилиш йўли, юксалиш фалсафаси бор. Зеро, уларнинг ҳар бири бизни ёруғ манзиллар сари элтадиган масъулиятдир.

Бугун олдимизда ниҳоятда масъулиятли вазифалар турибди. Уларнинг ҳар бири бизни доимо огоҳликка, маънавий юксакликка, энг муҳими, фидойилик ва ватанпарварликка даъват этиши керак. Шу маънода, ҳар биримизнинг ўз ботиний чақириғимиз бўлсин, деймиз. Улар савол бўлиб янграши ҳам мумкин: **азиз Ватанимиз тараққиёти учун нима қиляпмиз? Атрофимиздаги ўзгаришларга қандай ҳисса қўшяпмиз? Ич-ичимизда, қалбимизда юрт қайғуси борми? Тинч ва осойишта мамлакатимизга муносиблик бахтини сезяпмизми? Ва ниҳоят — янги Ўзбекистонимизни севамизми?**

Бу саволлар ҳар биримизни ҳар он ўйлантириши, чўчитиши, уйғотиши, сергак торттириши ва ниҳоят ҳаётий хулосалар чиқаришга чорлаб туриши керак.

Миллий тараққиётимиз бугунгидай жўшқин кайфият билан давом этиши учун ҳам дунёда ўз ўрнимизни, сиёсий, маънавий, иқтисодий йўлимизни мустаҳкамлаш учун ҳам бу саволлар жавобини ўзимиздан излашдан тўхтамайлик. Токи, ватанпарварлик ҳисси ҳар биримиз учун муносиб тақдир йўли бўлсин!

Мамлакатимиз АҚШнинг “National Geographic Traveler Awards” рўйхатида “Йил янгилиги” ҳамда “Гастрономик туризм” номинациялари ғолиби бўлди. 2022 йилда “Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси”да “энг кучли саёҳат йўналиши” сифатида тан олинди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 14 январь, 10-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Таҳлил ва таққос

Туризм экспорти ИККИ МИЛЛИАРД ДОЛЛАРДАН ОШДИ

Бу кўрсаткич соҳа жадал ривожланаётгани, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланаётганидан далолат

Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда сайёҳлик тармоғини ривожлантириш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Гап сайёҳлик ҳақида кетганда, аввало, шуни таъкидлаш ўринлики, хорижий давлатлардан ташриф буюрувчилар учун виза режими соддалаштирилди. Хусусан, айни пайтда 93 давлат фуқаролари учун визасиз кириш, 56 давлат учун электрон кириш визаси, 47 давлат учун эса беш кунлик транзит визасиз кириш, шунингдек, 76 давлат учун туризм визалар беришнинг енгиллаштирилган тартиби белгиланди.

55 ёшга тўлган ва туризм мақсадида 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатга юртимизга келувчи ХХР, АҚШ ва Вьетнам фуқаролари учун визасиз кириш режими жорий қилинди. Шунингдек, “Vatandosh”, “Student visa”, “Academic visa”, “Medical visa” ва “Pilgrim visa” каби янги кириш виза турлари белгиланди.

Бундан ташқари, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш учун туризм полицияси ташкил этилди. Қулай шароит яратиш мақсадида эса жойлаштириш воситаларидаги ўринлар сони 142 мингтага етказилди, 70 та янги сайёҳлик маршрути очилди, 6 та хусусий авиакомпания иш бошлади.

“Амирсой” қишки курорти, “Афсоналар водийси”, “Зомин” ва “Чорвоқ” дам олиш зоналари кўплаб хорижлик сайёҳлар эътиборини тортадиган халқаро туризм масканларига айланди.

Туризм соҳасида тобора ўсиб бораётган ривожланиш жараёнининг тўхтамаслигини таъминлаш ва кейинчалик янада кучайтиришнинг муҳим йўлларидан

бири малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиб, такомиллаштириб боришдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бу борада профессионал мутахассислар тайёрлаш тизими яратилган. Соҳага ихтисослашган олий ўқув юртлари ва уларда ўқиётган талабалар сони йилдан-йилга ошиб боряпти. Ушбу олий ўқув юртларида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида таълим жараёни такомиллашмоқда. Натижада халқаро талабларга мос малакали мутахассислар тайёрлаш ва турли йўналишлар бўйича илмий тадқиқотлар, фундаментал, илмий-амалий ишлар ривожланяпти.

Анъанавий турмуш тарзи ва ноёб ҳунармандчиликка эга туризм қишлоқлари ташкил этилмоқда. Ана

> **Юртимизда сайёҳлик бизнесининг барча турларини ривожлантириш учун ҳам қулай шароит яратиляпти. Янги меҳмонхоналар қуриш ва халқаро брендларни жалб этиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун субсидиялар ажратилмоқда.**

шундай ҳудудлардан бири Навоий вилоятидаги Сентоб қишлоғидир.

Сентоб Нурота тумани марказидан 120 километр, вилоят марказидан эса 180 километр узоқликда, Нурота тоғ тизмалари орасида жойлашган қишлоқ бўлиб, бу ҳудудда табиий кўл, зардуштийлик динига оид қадимий ибодатхона, бир қатор маданий мерос объектлари, қадимий қалъалар, тошларга ўйиб ишланган петроглифлар бор. Шунингдек, қишлоқ аҳлининг миллий урф-одат ва анъаналари, турмуш тарзи сайёҳларни жалб этади. Тарих ва замонавийлик уйғунлашган бу манзилни ўз кўзи билан кўриш учун қишлоққа дунёнинг ҳар бурчагидан келаётган сайёҳлар оқими тинмайди.

Ўз навбатида, сайёҳлар кўнгилли дам олиши, тарихий ва табиат обидалари билан яқиндан танишиши учун қишлоқда замонавий шароитлар ҳам йил сайин яхшиланмоқда. Айни пайтда 3 та хостел, 20 та оилавий меҳмон уйи барпо этилган ҳамда 15 турдаги туризм хизматлари йўлга қўйилган. Ўтган йили ушбу қишлоқ Жаҳон туризм ташкилотининг туризм қишлоқлари рўйхатига киритилди. Бу воқеа юртимиз сайёҳлик салоҳиятининг дунё миқёсида ўзига хос эътирофи бўлди.

Бундан ташқари, юртимизда сайёҳлик бизнесининг барча турларини ривожлантириш учун ҳам қулай шароит яратиляпти. Янги меҳмонхоналар қуриш ва халқаро брендларни жалб этиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун субсидиялар ажратилмоқда.

Ўтган йили дунё туризм индустриясининг эътиборга молик йирик тадбири — Жаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясининг Самарқандда ўтказилиши Марказий Осиё минтақаси учун яна бир катта тарихий воқеа бўлди. Мазкур халқаро анжуманга дунёнинг 140 дан ортиқ давлатларидан вакиллар ташриф буюрди. Тадбир доирасида дунё мамлакатлари ўртасида туризмни янада ривожлантириш бўйича қизғин мулоқот ва учрашувлар бўлиб ўтди.

ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ 2,5 БАРОБАР ЎСДИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ана шундай кенг қамровли тадбирлар самарасида дунёнинг турли давлатлари билан ўзаро алоқалар янада ривожланиши баробарида, туризм тармоғида ҳам ўсишга эришилмоқда. Хусусан, 2023 йилда юртимизга қарийб етти миллион сайёҳ ташриф буюрди. Агар таққослаш учун айтадиган бўлсак, 2016 йилда бу рақам 1,3 миллион, 2022 йилда эса 5,2 миллион нафарни ташкил этган эди.

Узоқ давлатлардан келаётган сайёҳлар оқими 3-4 баробар ошди. Мисол учун, бу йил Ҳиндистондан — 3,5 баробар (25 минг), Японияндан — 5 баробар (7 минг), АҚШдан — 2 баробар (14 минг), Италиядан — 3,5 баробар (17 минг) кўп сайёҳ келди. Шунингдек, ҳар бир хорижлик сайёҳнинг республика ҳудудида бевосита саёҳат харажатларидан ташқари сарфлайдиган ўртача маблағи 2017 йилда 197 долларни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2022 йилда 309, 2023 йилда эса 330 долларга етди. 2023 йилда туристларнинг ўртача қолиш куни 4-5 кунни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даври (3 кун)га нисбатан 1,5 баробарга ортди.

Сайёҳлар оқимига мос тарзда туризм хизматлари кўрсатиш ҳажми ҳам ўсиб боряпти. Ўтган 6,5 йилда (2017 йил — 2023 йил июнь) туризм хизматлари 2,5 баробар ўсиб, туризм экспорти 430 миллиондан 1 миллиард 600 миллион долларга кўпайди, ўсиш — 4 баробар. 2023 йилда туризм экспорти 2 миллиард 143 миллион долларга етди.

Албатта, бу кўрсаткичлар туризм жадал ривожланаётгани, иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларидан бирига айланаётганидан далолат беради. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, жазирама иссиқ ва изғирин совуқда, ҳамма пахтага мажбурий сафарбар этилган йилларда ҳам Ўзбекистон пахта толасининг экспорти 1 миллиард долларидан ошмаган. Ҳозирги кунда туризм экспорти бу марадан ошиб ўтди. Агар уни 3-4 баробар оширсак, жайдари қилиб айтганда, пахта экмасак ҳам бўлаверади.

Шунингдек, бу ўзгаришлар мамлакатимизнинг дунё миқёсидаги нуфузини янада оширмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Жаҳон туризм ташкилотининг “Энг тез ривожланаётган туризм масканлари” рўйхатида, шунингдек, машҳур “Гэллап” ижтимоий тадқиқот марказининг “Сайёҳлик учун энг хавфсиз давлат” рейтингида юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз АҚШнинг “National Geographic Traveler Awards” рўйхатида “Йил янгилиги” ҳамда “Гастрономик туризм” номинациялари ғолиби бўлди. 2022 йилда “Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси”да “энг кучли саёҳат йўналиши” сифатида тан олинди.

ИМТИЁЗ ВА ИМКОНИЯТЛАР ЯНАДА КЕНГАЯДИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида бу борада муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, 2024 йил 1 январдан жорий этилган қўшилган қиймат солиғини тўлиқ қайтариб бериш тизими туризм соҳаси ривожланишининг янги босқичига муҳим тиргак бўлиши кутилмоқда. Ушбу янгиланишлар туроператорлар ва хорижлик сайёҳларга сезиларли имтиёзлар беради ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро туристик бозорда рақобатбардошлигини мустаҳкамлайди.

— Бундай имтиёз ва имкониятлар фаолиятимизни янада ривожлантириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишда муҳим омил бўлади, — дейди “Dilrabo travel” сайёҳлик компанияси бош менежери Маҳмадали Ҳакимов. — Компаниямиз водийдаги энг йирик туроператорлардан бири, тармоғимизда бешта тузилма фаолият юритяпти. Жумладан, ўзимизнинг транспорт тармоғимиз ҳам бор. 3 та автобус ва 15 та микроавтобусимиз сайёҳлар хизматида. Жамоамизда 20 дан кўпроқ ёшлар ишлаяпти, уларнинг ярми талабалар. Ходимларимиз камида иккита хорижий тилни билади. Жумладан, инглиз ва рус тилларидан ташқари хитой, араб, немис тилларида ҳам эркин сўзлашадиган ёшларимиз бор. Шу боис, вилоятимизга ташриф буюрадиган хорижлик сайёҳларга замонавий андазалар асосида хизмат кўрсатиб келяпмиз. Бундан ташқари, ички туризм ривожига ҳам ўз ҳиссамизни қўшяпмиз.

Келгусида фаолиятимизни янада кенгайтириш, туризм кластери ташкил этиш режаларимиз бор. Ўз меҳмонхонамизни қурмоқчимиз. Водий шаҳарларидан ташқари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Нукус ва Хоразмда ҳам филиаллар ташкил этиш режалаштирилган. Транспорт тармоғимизни ҳам ривожлантирамиз. Албатта, бу ниятларимизни рўёбга чиқаришда давлатимиз томонидан яратиб берилаётган шароитлар жуда қўл келяпти.

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида хорижлик сайёҳларга имтиёзлар бериш ҳам жорий этилади. Жумладан, Ўзбекистонда сотиб олинган маҳсулотлар учун қўшилган қиймат солиғини қайтариб бериш йўлга қўйилади.

Бу сайёҳларни мамлакатда кўпроқ харид қилишга ундаш орқали иқтисодиётга пул оқимини кўпайтиришни таъминлайди.

Хорижий контрагентлар билан шартномалар доирасида кўрсатилган экспорт хизматлари учун туроператорларга солиқ имтиёзлари берилади. Бу чора-тадбир туроператорларни халқаро бозорда рақобатбардошроқ қилади ва мамлакатга кўпроқ сайёҳларни жалб этишга ёрдам беради.

Бу ўзгаришлар, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг туристик салоҳиятини янада ошириш ва халқаро туризм бозоридаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Иқтисодиётни диверсификациялаш ва халқаро миқёсда юртимиз обрўсини ошириш йўлидаги муҳим қадамлардан ҳисобланади.

Сайёҳлик ривожида транспорт тармоғидаги ўзгаришларнинг ҳам ўз ўрни бор. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида 2023 йилда бу соҳада амалга оширилган ислоҳотлар мамлакатимиз инфратузилмаси ва иқтисодий ривожланишини янги босқичга кўтармоқда. Мисол учун, авиация соҳасида 14 та резидент авиакомпания мавжудлиги, шулардан 11 таси хусусий экани муҳим аҳамиятга эга. Бу авиация соҳасида рақобатни ошириб, хизматлар сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Маҳаллий йўналишлардаги парвозлар сонининг ошиши, шаҳарлараро ва халқаро авиақатновларнинг ортишини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Хусусан, 13 та маҳаллий йўналишдаги парвозлар сонининг ҳафтасига 236 тага етказилиши мамлакат ичида ўзаро боғланишни кучайтирмоқда. Авиақатновлар ва ташилган йўловчилар сонининг ошиши маҳаллий ҳамда халқаро миқёсда транспорт алоқаларини мустаҳкамлаяпти.

2024 йилдан бошлаб юк вагонлари ва контейнерларни тақдим этиш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган поездларда йўловчиларни ташиш хизматлари тарифларини бозор тамойиллари асосида тартибга солиш механизмига ўтиш мамлакатнинг темир йўл транспортини ҳам янада самарадор қилади. Авиация ва темир йўл транспорти соҳаларидаги бу каби ўзгаришлар ички ва халқаро иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАР ИЖРОСИ САМАРАСИ

Президентимизнинг 2023 йил 26 апрелдаги “Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори соҳадаги ишлар ривожида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарор асосида 2023 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида туризмни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилган эди. Барча ҳудудларда уни бажариш юзасидан муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан, Қашқадарё вилоятида ўтган йил мобайнида 30 дан ортиқ жойлаштириш воситалари, жумладан, 5 та меҳмонхона, 15 та хостел, 12 та оилавий меҳмон уйи ташкил этилди. Шунингдек, туроператорлар сони 23 тадан 36 тага етказилди.

— Kashkadaryatravel.uz сайтини такомиллаштириш орқали сайтда туризм салоҳиятига оид маълумотларни мунтазам жойлаштириб бориш эвазига аҳолининг мустақил равишда вилоят бўйлаб саёҳат қилиши учун етарли маълумотлар базаси шакллантирилди, — дейди Қашқадарё вилояти туризм бошқармаси бўлим бошлиғи Шаҳзода Хидирова. — Вилоятнинг сайёҳлик марказларидан бири бўлган Шаҳрисабз шаҳридаги автошоҳбекатда “Туризм бекати” ташкил этилди. Қарши шаҳрининг Насаф кўчасида 74 та ва Шаҳрисабзнинг тарихий майдон ҳудудидан ўтувчи кўчада 35 та хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилиб, ушбу кўчалар 24 соат фаолият юритувчи “туризм кўчаси”га айлантирилди.

Бундан ташқари, туроператорлар билан ҳамкорликда вилоятнинг туризм салоҳияти юқори ҳудудлари бўйлаб 3 тилда *(ўзбек, рус, инглиз)* турпакетлар ишлаб чиқилди. Қатор инфо-тур, халқаро форум, фестиваллар, кўнгилочар тадбирлар ва туризм кўргазмаси ташкил этилиб, хорижий ва маҳаллий сайёҳлар жалб қилинди.

Туризм маҳалласига айлантирилиши режалаштирилган Шаҳрисабз туманидаги “Мираки” маҳалла фуқаролар йиғини инфратузилма тармоқларини яхшилаш учун 108 миллиард сўм йўналтирилиб, йўл, канализация, ичимлик суви ва электр тармоғи таъмирланди. Ғилон маҳаллаларига олиб борувчи ички йўлларда 3,8 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, бир қатор зиёратгоҳларга олиб борувчи ички йўллар, маданий мерос объектларида ёритиш тизимлари таъмирланди.

Бу ишларни янада ривожлантириш мақсадида маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари иштирокида туризм салоҳиятини ошириш бўйича ўқув семинарлари ташкил этилди, вилоятнинг “туризм харитаси” ва 65 та маданий мерос объектининг 3 тилдаги контентлари яратилди.

Соҳада кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Шу мақсадда Шаҳрисабз туризм ва маданий мерос техникуми реконструкция қилинди ҳамда туризм ва унга ёндош соҳаларда йилига 330 нафар мутахассис тайёрлаш имконияти яратилди. Амалга оширилган ана шундай кенг қамровли ишлар натижасида ўтган йили вилоятда маҳаллий сайёҳлар сони 2,1 миллион, хорижлик сайёҳлар сони эса 222,3 минг нафарга етди, туризм хизматлари экспорти 44,9 миллион долларни ташкил этди. Туризм ва унга ёндош соҳаларда қарийб 17,5 минг янги иш ўрни яратилди.

ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Бугун миллий ва халқаро экспертлар мамлакатимизнинг ривожланиш одимлари ҳақида фикр юритганда, Ўзбекистоннинг нафақат миллий ва минтақавий, балки дунё миқёсида муҳим аҳамият касб этадиган глобал ташаббуслари ҳақида тез-тез тўхталяпти. Бу жиҳатлар туризм соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади. Жумладан, Президентимиз ўтган йили Самарқандда бўлиб ўтган Жаҳон туризм ташкилоти Бош Ассамблеяси сессияси очилиш маросимида сўзлаган нутқида бу борада кўплаб таклиф ва ташаббусларни илгари сурди. Аввало, глобал туризмнинг энг долзарб муаммоси бўлган туристларнинг кафолатланган хавфсизлик тизимини таъминлаш ғояси ўртага ташланди.

Зеро, бугун дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган низолар тинчликка рахна солибгина қолмай, иқтисодиётнинг муҳим асоси бўлган туризм ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбари халқаро минбардан туриб, бундай аянчли ҳолатларнинг олдини олиш учун барчани ҳамжиҳатлик ва якдилликка чорлаб, халқаро туризм соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асосларни кучайтириш мақсадида БМТ доирасида Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурди. Бундан ташқари, иқлим ўзгаришлари тобора кучайиб бораётган даврда “яшил” туризмни ривожлантириш бўйича халқаро ҳаракатлар дастурини қабул қилиш таклифи жаҳон оммаси ҳукмига ҳавола этилди.

Шунингдек, “Яшил” туризмни жорий этиш бўйича энг яхши шаҳар” номинациясини таъсис этиш, 2025 йилни “Бутунжаҳон инклюзив туризм йили” деб эълон қилиш ва махсус декларация қабул қилиш, Жаҳон туризм ташкилоти ҳузурида сайёҳлик бўйича тарихий шаҳарлар кенгашини тузиш, Тошкентда жаҳон ёшлар туризми саммитини ўтказиш, етакчи оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва энг яхши саёҳат блогерларини ўзида бирлаштирадиган глобал медиа-кампусини ташкил этиш каби ташаббуслар дунёда тинчлик, тараққиёт ва фаровонликка эришишда муҳим қадам бўлажак.

Шунингдек, мамлакатимизда бундай глобал лойиҳалар орқали белгиланган вазифаларни ўз вақтида ижро этиш, юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш мумкин бўлади. Умуман, бу борада ҳам юксак марралар кўзланган. Хусусан, 2030 йилга бориб, хорижлик сайёҳлар сонини 15 миллионга, ички туризм оқимини эса 25 миллионга етказиш режа қилинган. Ана шундай юксак марраларга эришиш учун қатор дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, юртимизнинг маданий туризм салоҳиятини оширишга катта эътибор бериляпти.

Бундан ташқари, минтақамиз давлатлари билан қўшма сайёҳлик йўналишларини яратиш, Марказий Осиёда транспорт-логистика имкониятларини кенгайтириш, хусусан, “Бир тур — бутун минтақа” дастурини амалга ошириш режалаштирилган. Тиббий, экологик, гастрономик, этно, экстремал ва бошқа туризм йўналишларини ривожлантириш ҳам эътиборда. Ана шундай кенг қамровли лойиҳаларни рўёбга чиқариш ҳисобига келгусида камида 1 миллионта янги иш жойлари яратиш мақсад қилинган. Янги иш ўрни яратилиши эса юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқимизнинг турмушини обод этиш, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлади.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бирор-бир фаолият учун дипломи йўқ, аммо ишлаб чиқариш ёки муайян касб бўйича амалий кўникмага эга ишсиз ёшларни малакани баҳолаш марказларида ўқитиш ва зарур сертификатлар билан таъминлаш тизими жорий этилди.

Саломатлик — эл бойлиги

Саломатлик — ҳеч бир даврда эътибордан четда қолмайдиган, ҳамиша долзарб мавзу. Қадимги юнонларда "Тиббиётнинг олий мақсади — саломатликдир", деган қоида бўлган. Бироқ шифокорлар узоқ йиллар фақат касалликни даволашга эътибор қаратган. Инсоннинг индивидуал хусусиятлари ва саломатлиги захирасини ўрганадиган илмий асосланган тамойиллар мавжуд бўлмаган.

ВАЛЕОЛОГИЯ

ёхуд бизда нега дорихоналар кўп?

Тиббиёт соҳасида кадрлар, ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва дори воситалари сонининг ортиши аҳоли саломатлиги барқарорлигини таъминлашда унчалик ҳам самара бермаётгани тобора аён бўлиб бормоқда. Хўш, бундай пайтда қандай чора-тадбирлар кўриш керак? Инсон саломатлигини сақлаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи ва тиббий маданиятни шакллантириш борасидаги ишлар кўнгилдагидекми?

Ўзбекистон валеологлар уюшмаси раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Шуҳрат Эргашев билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи тарғиботи кенг йўлга қўйилган. Бир неча ўн йиллар давомида аҳолига соғлом турмуш тарзи асосларини етказиш маърифий иш, тарғибот ва ташвиқот сифатида олиб борилмоқда, — дейди Шуҳрат Эргашев. — Соғлом турмуш тарзи ҳақидаги маълумотларни тарқатишга асосланган ёндашувлар бугунги кунда жуда кам самара бераётгани ва асосан, формал хусусиятга эга экани маълум бўлди. Кўп шифокорлар маълумотни аҳолига етказиш кўникмасига эга эмас.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, қуруқ тарғибот замонавий соғлиқни сақлаш тизими талабларига жавоб бермайди. Соғлом турмуш тарзига эришиш учун нима қилиш кераклигини одамларга қанчалик кўп уқтирманг, одатлар ўзгармаслиги мумкин. Ҳозирги пайтда тиббиёт эътиборни фақат беморга қаратади ва даволаш билан шуғулланади. Шифокор ҳам саломатлик ҳақида эмас, касаллик ҳақида кўпроқ тушунчага эга. Замонавий тиббиёт амалиётида одамнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, ички захирасини кўтаришга йўналтирилган бирорта ихтисослик мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб, организмнинг индивидуаллиги ва захира имкониятларига таяниб, сифатли ва соғлом ҳаёт тарзини шакллантириш зарурати юзага чиқмоқда. Бу вазифа бевосита превентив тиббиёт йўналиши — валеология фанига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Валеология — саломатлик тўғрисидаги фан, яъни соғлом, жисмоний ва ақлан етук авлодни воя етказиш устида қайғуриш ҳамда баракали умр кўриш демакдир. Превентив тиббиётнинг мақсади инсонни ҳар хил хасталиклардан асраш, соғломлаштиришга қаратилган. Нафақат соғлом ҳаёт тарзи, балки сифатли саломатликка эришиш услублари ва тадқиқот механизмларини ўрганувчи бу фаннинг объекти мутлақо соғлом ёки касаллик олди ҳолатидаги одамлар ҳисобланади.

— Бугунги кунда турли касалликлар кўпайиб кетаётганини инкор этиб бўлмайди. Ўзбекистонда юқумли бўлмаган касалликлар билан боғлиқ жинси ва ёши бўйича стандартлаштирилган барвақт ўлим кўрсаткичи умумий ўлим кўрсаткичининг ўртача 76 фоизини ташкил этар экан. Бу жуда катта рақам. Шундай эмасми?

— Юрак-қон томир, ўпка ва нафас тизими касалликлари, онкология ва қандли диабетга чалинганлар сони тобора ортиб бораётгани сир эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда юқумли бўлмаган касалликлар хавф омилларига қарши профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали барвақт ўлимни анча камайтириш мумкин. Бунинг олдини олиш учун, албатта, превентив, яъни профилактик тиббиётни амалиётга киритиш зарур.

Шу йўналиш бўйича жуда катта ишлар бошланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида превентив тиббиётни ривожлантириш сектори ташкил қилинди. Сектор уч гуруҳга бўлиниб, республика бўйича иш олиб бормоқда. Тошкент туманида пилот лойиҳа бошланди. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда нафақат тиббиёт ходимлари, балки журналистлар, ҳуқуқшунослар, социологлар, ахборот технологиялари ва дастурлаш мутахассисларининг ўрни алоҳида. Чунки аҳолининг хулқ-атвор тарзи (стереотипи)ни ўзгартириш нафақат тиббиёт, балки бошқа соҳалар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу боис, 550 нафардан иборат ҳамшира, шифокор, боғча тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари, маҳалла посбонлари ва бошқа соҳа вакилларини превентив-профилактик тиббиёт бўйича ўқитдик. Бу жараён давом этмоқда.

Туман кўп тармоқли ҳамда оилавий поликлиникаларда валеокабинет очдик. Туманнинг ҳар бир маҳалласида валеопункт фаолияти йўлга қўйиляпти. Бу мамлакатимизда илк бор амалга оширилмоқда. Пунктда нафақадаги бир нафар шифокор ва икки ҳамшира ишлаб турибди. Врач валеологларнинг вазифаси одамларда касалликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг олдини олиш, юртдошларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатиш. Бу превентив тиббиётни шакллантириш борасидаги дастлабки қадамлардир.

Олдимизда турган янги вазифа соғлом турмуш тарзи тарғиботидан чекиниб, уни одамлар ҳаётида шакллантиришга ўтишимиз керак. Кўп йиллар соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинди. Лекин эрталаб югуринг, кундузи пиёда юринг, тўғри овқатланинг, дейишдан нарига ўтилмади. Ваҳоланки, ҳар бир инсоннинг индивидуал ҳолати бор. Ҳатто қачон, қанча вақт югуриш ёки пиёда юриш кераклигини саломатликни индивидуал баҳолаш орқали белгилаш лозим.

— Баҳолаш тизими қандай кўрсаткич ва тамойилларни ўз ичига олади?

— Инсон организми ҳар томонлама индивидуал хусусиятларга эга яхлит бир тизим. Шунинг учун унда ҳаёт кўникмаларини ўзгартиришга ҳам турлича қараш керак. Саломатликни баҳолашда маънавий, руҳий, жисмоний ва тиббий тамойилларга таянилади.

Фақат маънавият орқали одамни камолотга етказиш ва ички дунёсини унинг тарбияси, оилавий анъналари ва келиб чиқиши асосида шакллантириш мумкин. Маънавий тамойил орқали ундаги шу ҳолатларни аниқлаш зарур бўлади.

Руҳий тамойил — ҳар бир одамнинг индивидуал таъсирчанлиги, сезги ва ҳиссиётларини аниқлайди. Уни шакллантириш ва такомиллаштириш ҳаёт сифати ва давомийлигини таъминлайди.

Организмга бўладиган турли индивидуал жисмоний юкламаларни аниқлаш жисмоний тамойил орқали амалга оширилади. Булар болаликдан меъёрий тарзда шакллантирилиб, саломатликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда мунтазам ва тизимли, маънавий ва руҳий сифатлар билан уйғунликда олиб борилади.

Ноинфекцион касалликларнинг хавфли омилларига қарши профилактик чора-тадбирлар билан бирга соғлом овқатланиш ва репродуктив саломатлик муаммоларини тиббий тамойил кўриб чиқади. У ўз саломатлигига масъулиятли бўлишга ҳам ўргатади.

Маиший ва касбий хусусиятлар, руҳий-эмоционал ҳолат, уйқу ва овқатланиш характери, об-ҳаво ва иқлим шароити таҳлили ҳам ҳаёт тарзини тўғри баҳолашга кўмаклашади.

— Шу ўринда ҳар бир инсоннинг ўз соғлиғига масъулияти, тиббий маданият деган тушунчаларга изоҳ берсангиз?

— Ҳар бир инсон ўз саломатлигини бошқара билиши керак. Организмни доимий кузатиб, соғлиққа эътибор бериб, юзага келиши мумкин бўлган касалликка ўз вақтида чора кўриш — тиббий маданиятнинг бир кўриниши. Дейлик, бошингиз оғриди, энг аввало, касалликнинг илдизини аниқлашга ҳаракат қилинг. Балки бунинг сабаби оддий, стресс, уйқусизликдир. Балки тоза ҳавода бир оз сайр қилсангиз ёки тўйиб ухласангиз ўтиб кетар. Дарров дори ичиш керак эмас. Ўзбекистонда шу даражада дорихоналар кўпки, бирорта давлатда бунчалик "дорига ўчлик" йўқ. Дориларни пала-партиш қабул қилиш ҳам салбий оқибатларга олиб келишига гувоҳ бўляпмиз.

Ҳар биримизнинг ўз саломатлигимизга масъуллигимиз биринчи даражали омил саналади. Шу боис, касаллик асоси ҳам эътибордан четда қолмасин. Дейлик, бош оғришига сабаб бўлган стресс ёки уйқусизлик ниманинг натижасида келиб чиқди? Аввало, ана шу омилни бартараф этиш керак.

Ҳар қандай касалликни даволашда номедикаментоз, яъни турмуш тарзини ўзгартиришга қаратилган даволаш усули ҳам муҳим саналади. Турмуш тарзимиз — бу тиббий маданиятимизнинг қанчалик даражада эканини очиқ-ойдин кўрсатувчи ўзига хос кўзгу. Соғлом турмуш тарзига нечоғлиқ риоя этишимиз тиббий маданиятимиз қай даражада эканини билдиради.

— Маълумотларга кўра, камҳаракатлилик бутун дунёнинг ўткир муаммосига айланаётган ҳозирги даврда турли касалликларга чалинаётган, айниқса, тана вазни ошиши кузатилаётган аҳоли улуши ўсиб бормоқда. Ўзбекистон ҳам бу тенденциядан четда эмас.

— Ҳа, афсуски, шундай. Ҳолсизлик, уйқунинг бузилиши, диққат-эътиборни жамлай олмаслик, хотира пасайиши, сабабсиз чарчаш ҳисси, семизлик каби белгилар бугун деярли ҳар бир кишида учрайди, лекин камдан-кам одам бу ҳолатларни камҳаракатлилик билан боғлайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, йилига чекишдан 5 миллион нафар, камҳаракатлиликдан эса бундан ҳам ортиқ инсон қурбон бўлмоқда.

Ҳаракат, жисмоний машқ соғлом турмуш тарзининг асосий тамойилларидан саналади. Жисмоний машқ ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилади. Ҳар қандай жисмоний фаоллик нафақат стрессни бартараф этади, балки организм ҳолатини яхшилаб, ҳаёт давомийлигини оширади.

Жисмоний соғломлик учта сабаб бўйича тана вазнини назорат қилишнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Давомли жисмоний юкламалар организмдаги калорияни сарфлаш эвазига тана вазни камайишини тезлаштиради. Тизимли жисмоний фаоллик организмда тўпланган ёғ қатламлари ўзлаштирилишига ёрдам беради ва мушак оғирлигини кўпайтиради. Тизимли машғулотлар диққатингизни овқатдан жисмоний фаолликка йўналтиради ва бевосита истеъмол калорияси миқдорини камайтиради.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳафтада атиги 2,5 соатлик жисмоний фаоллик эрта ўлим ҳолатларини 28 фоизга, юрак касалликларига чалиниш эҳтимолини 20 фоизга камайтиради. Бундан ташқари, жисмоний фаоллик натижасида организмда биосинтез жараёни фаоллашади, қон айланиш жараёни 4-5 марта кучаяди, юрак қисқаришлари сони тезлашади, бу эса организмда янги энергия ҳосил бўлишига ва энергия билан таъминланиш яхшиланишига олиб келади. Шу боис, жисмоний фаоллик соғлом турмуш тарзининг энг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

УЛАРГА ҲАВАС БИЛАН ҚАРАЙМИЗ

"Қандингни ур, болам!" дея тилак билдирамиз

Орифжон БОЗОРОВ,
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Ҳамма даврларда ҳам ёшларга у қадар ишонч билдирилмаган. Кўпчиликка аён бир ибора бор — ҳатто қадимги қўлёзмаларда ёшлар ҳақида салбий фикрлар билдирилган экан. Бу нимадан дарак беради? Ёшлар масаласи ва тарбияси билан боғлиқ муаммолар асрлар давомида файласуфларни, муаллимларни, миллат фидойиларини ўйлантириб келган. Демак, бу мавзу шу кунга қадар долзарблигини йўқотмай келяпти. Президентимизнинг давлат раҳбари сифатида иш бошлаган кунданоқ ёшларга эътибор қаратгани ҳам шундан.

2024 йил мамлакатимизда "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб номланишининг ўзи ҳам ана шу эътиборнинг юксак намунаси эмасми?! Бу йилда ёшларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва дастурлар қабул қилинади. Илм-фан, инновация, ахборот технологиялари каби соҳалар янада юксалади. "Яшил" ва рақамли технологияларни ривожлантиришга янги кучлар сафарбар этилади.

Бугун ёшлар алоҳида қудратли куч сифатида шаклланди. Улар жамиятнинг барча жабҳасида ўз ўрнини топмоқда. Ишончни оқламоқда. Бундай дейишимизга сабаб ёшларга кўрсатилаётган эътибор, уларнинг орзуси, шаъни ва қадр-қимматини, муносиб келажагини таъминлашга қаратилган оқилона сиёсат, юксак ишончдир. Бу ишонч яна нималарда намоён бўлди? Давлатимиз раҳбарининг муҳим лавозимларга жуда кўплаб ёшларни тавсия қилгани, уларни масъулиятли вазифаларга тайинлагани бу борада бутунлай янгича концептуал асосларга эга сиёсат юритилаётганини кўрсатди.

Ёшларнинг реал муаммоларини аниқлаш ва ечимини топиш каби масалалар стратегик вазифа сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 2016 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни қабул қилинди. Очиқлик ва шаффофлик, ёшларга оид давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда ёшларнинг иштирок этиши, ёшлар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги ҳамда ёшларнинг камситилишига йўл қўйилмаслиги мазкур қонуннинг асосий принциплари этиб белгиланди. Мамлакатимизда 30 июнь санаси "Ёшлар куни" деб эълон қилингани ҳам ёш авлодга эътиборнинг ўзига хос ифодасидир.

Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларни рағбатлантириб бориш мақсадида "Мард ўғлон" давлат мукофоти ва "Келажак бунёдкори" медали таъсис этилди. Бизнинг Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаси Анвар Раҳматов ҳам "Мард ўғлон" давлат мукофотига сазовор бўлган.

Бундан ташқари, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазифаларини ўз ичига олган беш муҳим ташаббус амалга оширилмоқда. Қишлоқ ёшларининг муаммоларини ҳал этиш, тадбиркорлик ва меҳнат фаолиятини йўлга қўйишига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, Қамаши туманидаги Гулистон қишлоғида яшовчи, институтимизга бириктирилган бир гуруҳ ёшларнинг нияти ушалмоқда. Уларнинг хоҳиш-истаги ўрганилиб, дурадгорлик, хизмат кўрсатиш, тикувчилик кабилар билан шуғулланиши учун зарур ускуна ва жиҳозлар олиб берилмоқда.

Ишлаган талаба масъулиятли бўлади

Ўтган қисқа вақтда ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ишсиз йигит-қизларнинг бандлигини таъминлаш мамлакат иқтисодий-ижтимоий сиёсатининг энг асосий ва стратегик йўналишларидан бирига айланди. Биринчи галда ёшларнинг ўқиб, таълим олиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши, касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун қўллаб-қувватлов чоралари кўрилди.

Масалан, бирор-бир фаолият учун дипломи йўқ, аммо ишлаб чиқариш ёки муайян касб бўйича амалий кўникмага эга ишсиз ёшларни малакани баҳолаш марказларида ўқитиш ва зарур сертификатлар билан таъминлаш тизими жорий этилди.

"Ёшлар дафтари" ташкил қилиниб, унга мамлакатимизнинг барча ҳудудидаги ишсиз, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож йигит-қизлар киритилди. Бу тизим ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ҳамда иштиёқи бўлган ишсиз ёшларнинг муаммоларини аниқлаш, бартараф этиш ва назоратини олиб бориш бўйича маълумотлар базасидир. У Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг энг муҳим омилига айланиб улгурди ва бугун бу борадаги муаммоларнинг ечимини таъминлаб бермоқда.

Ёшлар бандлиги, айниқса, талабаларнинг ҳам ўқиб, ҳам ишлаши учун имконият яратиш борасида катта қадамлар қўйилди. Бу ҳам ёшларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ифодасидир. Шу пайтга қадар талабалар учун бундай имконият берилмаган. Аксинча, талабаларга "ё ўқишни танлайсан ёки ишни" деган талаблар қўйилган. Бугун талабани ишга олган тадбиркорларга солиқ билан боғлиқ имтиёзлар бериляпти.

Институтимизда 946 талаба ҳам ўқиб, ҳам ишлайди. Ишлаш истагидаги 388 нафар йигит-қизнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилди. Бундан ташқари, муассасамизда 92 талабадан иборат "Волонтёр" меҳнат гуруҳи ташкил этилган бўлиб, муносиб рағбатлантириб келинмоқда.

Рағбат — муваффақият гарови

Қадимдан Шарқда таълим ва тарбия бирга олиб борилган. Шундан келиб чиқиб, институтимизда ўқитиш сифатини янада юксалтириш билан бирга маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ҳам оширилди. Биргина беш муҳим ташаббус доирасида ўтган йилнинг ўзида юздан зиёд тадбир ва спорт мусобақалари ўтказилди. Барча саъй-ҳаракатларимиз самарасини бермоқда. Талабаларимиз турли стартап танловлар, Uzbekistan GTL, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва бошқа гигант корхоналарнинг стипендия ҳамда амалиёт танловларида ғолиб бўлмоқда. Масалан, сўнгги беш йилда 4 талабамиз "Мирзо Улуғбек ворислари" республика танлови ғолиби бўлди, 33 талабамиз номдор стипендиялар соҳибига айланди. 27 талабамиз республика миқёсидаги фан олимпиадаларида муваффақият қозонди. Хитойда ўтказилган Параосиё ўйинларининг сузиш баҳсларида институтимиз талабаларидан Дмитрий Хорлин олтин, Ислом Асланов кумуш медални қўлга киритди. Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган интеллектуал олимпиадада талабаларимиз Суҳроб Ярашов шашка, Феруза Қурбонова шахмат бўйича 1-ўринни эгаллади. Улар 30 миллион сўм миқдорида пул мукофотига сазовор бўлди.

Таълимга киритилган сармоя келажакка қўйилган муҳим қадамдир. "Ёшлар дафтари"га киритилган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 283 нафар талабамизнинг ўқиши учун шартнома пули маҳаллий бюджет ва ҳомийлар томонидан тўлаб берилди. Яна бир гап. Шу пайтга қадар ҳеч қачон ижарада яшаётган талабанинг ижара пулини тўлашига ёрдам кўрсатилмаган. Ҳаммамиз ҳам талаба бўлганмиз. Бирор вақт шундай бўлганми? Бугун ижарада яшайдиган талабанинг шарт-шароити назоратга олинган, ижара пулининг ярми давлат ҳисобидан қопланяпти. Масалан, 2023 йилда институтнинг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган 1500 дан зиёд талабасига ижара тўловининг 50 фоизи давлат ҳисобидан тўлаб берилди. Институтнинг республика ва ҳудудлараро ўтказилган турли танловлар, спорт мусобақалари ва фан олимпиадаларида иштирок этиб, ғолиб бўлган талабалари ҳам пул маблағи билан рағбатлантирилмоқда.

Маънавият — энг муҳим асос

Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида олий таълим билан қамров даражасини ошириш ва 2026 йилга қадар 50 фоизга етказиш белгиланган. Шу нуқтаи назардан, чуқур билимга, тафаккурга, замонавий илм-фан ютуқларига эга бўлган кадрлар тайёрлаш мақсадида мамлакатимизда олийгоҳлар сони 200 дан ошди. Бу 2016 йилда мавжуд бўлган олий таълим муассасаларидан икки ярим баробар кўп демакдир.

Институтимиз мисолида олсак, 2017 йили талабаларимиз 8 минг нафарга яқин бўлган бўлса, айни пайтда улар сони 16 мингдан ошди. Бу йиллар давомида таълим йўналишлари 33 тадан 49 тага кўпайди. Президентимизнинг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида институтга 105 номдаги лаборатория жиҳозлари келтирилди.

Биз юқорида ёшлар масаласига доир кўплаб хайрли ишлар, имкониятлар, эътибор ва ғамхўрлик ҳақида фикр юритдик. Уларнинг барчасини рўёбга чиқарадиган, ҳамма саъй-ҳаракатларимизнинг самарали кечишини таъминлайдиган энг муҳим жиҳат бу — маънавият. Ёшларимиз маърифатли, маънавиятли бўлса, эртанги кунимиз биз кутгандан ҳам порлоқ бўлиши муқаррар.

Албатта, ҳар бир ёш ўз ота-боболарини, аждодларини билгани каби халқимизнинг бой тарихий меросини, алломаларнинг ибратли ҳаёт йўлини ҳам пухта ўрганмоғи лозим. Бу ёшларнинг миллат эртаси учун қайғуриш, ҳаётда ўз ўрнини топиш борасидаги масъулиятини оширади.

Бир сўз билан айтганда, қайси юртда ёшларга юксак ишонч бўлса, уларга муносиб эътибор кўрсатилса, ўша ерда тараққиёт бўлади. Бугунги ёшларга ҳавас билан қараймиз. Уларга берилган имкониятларни ўзимизнинг ёшлик йилларимиз билан қиёслаймиз. Катта фарқни кўрамиз. Ҳавасимиз янада ортади. "Қандингни ур, болам! Сени қўллаётган, сенга ишонч билдирган халқимизнинг олдида ҳамиша юзинг ёруғ бўлсин", дея эзгу тилак билдирамиз. Албатта, улар улкан марраларни забт этади.

Машҳур файласуф Афлотуннинг фикрича, “Давлат тараққиёти ёшларнинг қандай мусиқа тинглаётганига ҳам боғлиқ бўлади”. Бу ҳикмат асрлар давомида ўз тасдиғини топиб келмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

НУҚТАИ НАЗАР

Мусиқа ШУНЧАКИ САНЪАТ ЭМАС

маънавияти халқнинг юксак қадриятидир

Анвар ЛУТФУЛЛАЕВ,
Тошкент давлат педагогика университети профессори

Давлатимиз раҳбари жорий йил 22 декабрда бўлиб ўтган йиғилишда концептуал вазифаларни кун тартибига қўйди. Маънавияти юксак халқимизнинг қадриятларида мусиқа маданиятининг ўрни, хусусан, ёшлар тарбиясидаги аҳамияти бўйича стратегик вазифаларни белгилаб берди.

Мусиқа санъати асрлар давомида уйғоқ қалбли ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан тарбиялаш воситаси бўлиб келган. Бу жараёнда халқ оғзаки ижоди намуналари, мақом санъати дурдоналари, анъанавий чолғу ва қўшиқчилик асарлари, бастакорлар ва композиторларимиз ижоди, амалий фаолиятдаги мусиқа санъати мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари ва соҳа олимларининг тадқиқотлари муҳим манба вазифасини ўтаган. Шу боис, йиғилишда мазкур манбалар асосида маънавий тарбиялаш, жамият ва давлатни шиддатли ривожланиш жараёнида таҳдидлардан асраш вазифаси қўйилди.

Машҳур файласуф Афлотуннинг фикрича, “Давлат тараққиёти ёшларнинг қандай мусиқа тинглаётганига ҳам боғлиқ бўлади”. Бу ҳикмат асрлар давомида ўз тасдиғини топиб келмоқда. Шу маънода, ҳозирги глобаллашув шароитида интернет мусиқа санъати намуналаридан баҳраманд бўлиш ижобий ва салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижобий жиҳати шундаки, дунё мусиқа дурдоналаридан исталган вақтда баҳраманд бўлиш имконияти пайдо бўлди. Салбий таъсири шуки, мазкур имкониятлардан фойдаланиб, ғаразгўй кимсалар ва марказлар ёшлар, ҳатто бутун жамият онгига енгил-елпи оҳанглар, маъно-мазмунсиз хиргойи ва руҳиятга акс таъсир қиладиган шовқинли мусиқий ишланмаларни тиқиштирмоқда. Бунинг натижасида аксар ёшлар онгида мусиқий дид, ҳис-туйғу ва маданият кўникмалари мўрт шаклланаётир, шахсий манфаатларни устун қўйишдек иллатлар бўй кўрсата бошлади. Демак, давлат назариётчиси ва фалсафа билимдони Афлотун ҳақ: шахс, жамият ва давлатнинг тизимли ҳамда замонавий тараққиёт учун мусиқа санъатидан фойдаланиш дастурига эга бўлиш лозим.

Президентимиз маънавий ва маърифий ишларни ривожлантириш жараёнида трансформациялашув ҳодисаси кечаётганига эътибор қаратди. Ёшлар ва жамиятимиз ҳаётида мусиқа санъатининг трансформациялашуви жараёнини тўғри ташкил этиш тақозо этилади. Бунинг учун мақом санъати чолғу ва ашула йўлларининг янги ижрочилик услубларини яратиш, ҳар бир бахшичилик мактабининг ижрочилик мактаблари хусусиятларини тарғиб қилиш бўйича илмий мактабларни яратиш лозим. Шунингдек, анъанавий чолғу ва ашула ижрочилик санъатида янги индивидуал ижро услублари мажмуини таркиб топтириш, эстрада мусиқа ва қўшиқ ижрочилигида миллий тажрибани жаҳон эстрада санъати ижрочилик анъаналари билан бойитиш бўйича тизимли илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш талаб этилади. Буларнинг барчаси мусиқа санъатини юксак маънавиятнинг таркибий қисми сифатида Учинчи Ренессансни барпо этишга хизмат қилдириш омили бўлади.

> **Мусиқа санъати ёшларимизнинг маънавий-маърифий кўникмасини юксалтириш, ғаразгўй ҳамда маъно-мазмунсиз оҳангларнинг руҳий таъсиридан қутқарувчи омилдир.**

Соҳа мутахассиси сифатида умумий ўрта таълим мактабларида ўқитилаётган мусиқа маданияти фанини такомиллаштириш лозим, деган фикрдаман. Мазкур фан ёшларни миллий ва жаҳон халқлари мусиқа санъатининг ноёб дурдоналари билан таништиради. Бироқ ҳозир умумий ўрта таълим мактаблари халқ чолғулари, нота асарлари ва тегишли ўқув адабиётлари билан давлат ҳисобидан таъминланаётганини ҳисобга олиб, мазкур чолғулар ижрочилиги бўйича услубий тавсиялар, қўлланмалар ва қўшимча дарсликлар ҳамда ўқитувчи китоби учун мустақил асарлар юзасидан кўрсатмалар мажмуини ишлаб чиқиш зарур. Мактаб ўқувчисининг лоақал икки чолғуда куй ижро эта олиш кўникмасини таркиб топтириш вазифаси қўйилган экан, шу чолғуларда ижро этиш методикаси бўйича ўқувчи тушунадиган услубий адабиётларни яратиш энг муҳим вазифалардан биридир. Кузатишларимизга кўра, ижроси қулай бўлган доира чолғуси ижрочилиги асослари ва техникаси бўйича умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига мўлжалланган методик тавсиялар ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли мактабларнинг мусиқа ўқитувчилари ҳар бир халқ чолғу ижрочилиги методикаси бўйича ўрта махсус ва олий педагогик таълим муассасалари учун мўлжалланган ўқув адабиётларидан фойдаланиб келаётир. Демак, бўлажак мусиқа ўқитувчиларини тайёрлайдиган олий педагогик таълим муассасалари учун ўқувчиларнинг халқ чолғу ижрочилиги кўникмасини шакллантиришга йўналтирилган назарий-методик илмий ишланмаларни яратиш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Мусиқа санъати ёшларимизнинг маънавий-маърифий кўникмасини юксалтириш, ғаразгўй ҳамда маъно-мазмунсиз оҳангларнинг руҳий таъсиридан қутқарувчи омилдир. Унинг дурдона намуналаридан баҳраманд бўлган одам салбий ғояларни экспорт қилувчилар тузоғига илиниши мушкул. Бунда мусиқа санъати вакилларининг унвону мавқеи ўрин тутмайди, аксинча, уларнинг амалий фаолияти воситасида ёшлар, айниқса, жамиятимиз маънавияти юксалишидаги ҳаракатлар натижаси баҳоланади.

Ривожланган давлатлар муҳим ғоявий-маънавий қуролларга эга эканини унутиб бўлмайди. Шундай қуроллардан бири мусиқа санъатидир. Онги ва дунёқараши шаклланмаган ўсмирнинг ажнабий мусиқалар тинглаши, мазмунини тушунмайдиган хорижий нағмалар ошуфтасига айланиши ва хорижлик санъаткор аталмиш айрим шахсларнинг кийиниш ҳамда юриш-туриш маданиятига тақлид қилиши маънавий фожиадир. Шу маънода, мусиқа санъатининг онгли вакиллари ўз ижодига маҳлиё бўлиб юрмасдан, мамлакатимизнинг мактабгача, мактаб, ўрта махсус ва профессионал ҳамда олий таълим муассасалари, шунингдек, уюшмаган ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда ўз маҳорати асосида индивидуал тадбирларни амалга ошириши виждон ишидир. Зеро, маданияти юксак халқимиз ҳозирги глобал мураккаб шароитда юксак маънавият ва унинг таркиби бўлган мусиқа маданиятига асосланган ҳолда янги Ўзбекистон шароитида ўзгаларга намуна бўлишга қодир.

Ижодий иқтисодиёт

МАРҒИЛОН АТЛАСУ АДРАСИ

ШАҲРИСАБЗГА ҚАНДАЙ ЕТИБ КЕЛДИ?

Ўз номига мос яшил шаҳар — Шаҳрисабз. Олис тарихнинг не-не суронли кунларига гувоҳ бўлган қадим Кеш. Бу манзил бир замонлар Соҳибқирон Амир Темур ташаббуси билан обод маскан бўлган. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, маҳобатли Оқсарой биноси қад ростлаган. Турли юртларнинг олиму донишлари таклиф этилиб, илм-фан ривожи учун беқиёс ишлар қилинган

Етти иқлимдан қўлигул усталар таклиф этилиб, заргарликдан то ҳунармандчиликнинг барча турларини шу ерда ривожлантириш имконияти яратилган. Афсуски, аянчли тақдирнинг чархпалаги бу шаҳарни ҳам четлаб ўтмади. Буюк саркарда амалга оширган бундай жаҳоншумул ишлар барбод қилинди. Лекин кўҳна тарих илдизи батамом йўқ бўлиб кетмади. Бугунга қадар унинг маълум бир қисми етиб келди.

Ислоҳотлар туфайли кейинги йилларда Шаҳрисабз бутунлай янгича қиёфага кирди. Оқсарой мажмуаси обод қилиниб, гўзал масканга айлантирилди. Қадимий урф-одатлар, анъаналар қайта тикланди. Мажмуа атрофида миллий ҳунармандчилик марказлари иш бошлади.

Европалик меҳмон ҳайрати

Хорижлик сайёҳнинг тарихга иштиёқмандлиги уни олис юртлардан шу томонларга етаклаб келган бўлса, ажабмас. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда таърифини кўп ўқиб, эшитгани — Шаҳрисабзни кўришга отланган европалик меҳмон Оқсарой мажмуасига қадам қўйганида қўёш нурлари бино пештоқига энди туша бошлаган эди. Обида деворларида офтоб ёғдуси таъсирида жилоланаётган нақшлар кўзни қамаштиради. Секин ғиштин деворга яқин бориб, қулоқ тутди. Яқин атрофдан ўтаётган сайёҳлар унга ажабланиб қараб қўйишарди. Меҳмон эса баланд иморатнинг юқори қисмида майин эсаётган шамол таъсирида мусиқа садолари каби чиқаётган овозни тинглаб, ҳаёлан мозийга саёҳат қиларди. Қалбида ўзгача сокинлик ҳис қилиб, бу ерларга келгани учун ич-ичидан мамнунлик туйди.

Эринмасдан Оқсарой обидасининг ҳар бир ғиштига назар ташлаб чиқаркан, унга ҳамроҳлик қилаётган туризм соҳаси вакилига савол беришни ҳам канда қилмасди. Шу тариқа Соҳибқирон ҳақида кўпроқ маълумот олишга эришди. Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврида маданият ва санъатнинг ривожланиши, илм-фан тараққиёти ҳақида ҳам қизиқди. Айни пайтга қадар қадимий қадриятлар, ҳунармандчилик анъаналарининг қанчалик сақланиб қолгани ҳақида ҳам суриштиришни унутмади. Бор бўлса, унга кўрсатишларини илтимос қилди.

Бу таклифдан сўнг таржимон меҳмонни мажмуа ҳудудидаги Ҳунармандлар маркази томон етаклади.

Оқсарой мажмуасининг ўзида замонавий шаклда қурилган Ҳунармандлар марказида миллий ҳунармандчилик намуналари — кашта, ҳар хил гиламлар, дўппилар, зардўзи ва ипак либослар кўргазмага қўйилган. Қўлда тайёрланган маҳсулотларга кўз ташлаган европаликнинг ҳайрати янада ошди. Намуналардан қўлига олиб, узоқ тикилди.

— Бу маҳсулотлар ҳозир ҳам тайёрланадими? — ҳайрат билан сўради у.

Шу саволни кутган мезбон ҳам уни ичкарига бошлади. Марказнинг кейинги хоналарида қатор бўлиб ўтирган миллий либосдаги қизлар шошилмасдан қўлида игна билан кашта тикарди. Яна бирови дўппи тикиш билан банд. Уларнинг

ҳеч бири адашмасдан ўз ишини бажараётганини кўриб, хорижликнинг қизиқиши янада ортди. Оддий матога чевар қизлар маҳорат билан ишлов бераётганини кўриб, ҳайратига ҳайрат қўшилди. Шошганча уларни суратга олишга тушди. Қизиққан нарсаларини сўраб, маҳсулотлардан эсдалик сифатида сотиб ҳам олди.

Марғилонда малака оширилди

Маълумки, Шаҳрисабзда ҳунармандчилик азалдан ривожланган. Айниқса, зардўзлик, қуроқчилик, каштачилик каби касблар ортидан аҳоли яхши даромад топган. Айни пайтда ҳам бу миллий анъана давом этмоқда. Ўзига хос сабр ва матонат билан тайёрланган меҳнат маҳсули шаҳарни томоша қилиш учун келган сайёҳларга тавсия этилиб, сотилади. Бунинг ортидан яхшигина маблағ топиб, рўзғор тебратаётган оилалар сони анчагина.

Юртимизда туризм ривожланиши хизматлар соҳасини ҳам шунга ҳамоҳанг ўзгартириб боришни тақозо этмоқда. Анча йиллардан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган Нодир Маннонов Оқсарой мажмуаси ҳудудида замонавий типдаги ҳунармандлар кластери ташкил этди. Ҳозир кластерда атлас, адрас, бахмал, ипак гиламлар, либослар, заргарлик, ироқи каштачилик каби йўналишлар ташкил этилган.

Нодир ака асли мутахассислиги бўйича заргар бўлса-да, тиришқоқлиги, ҳаракатчанлиги эвазига бошқа ҳунарларни ҳам яхши ўзлаштирган. Водийга бориб, уста-ҳунармандлар тажрибасини ўрганиб қайтган. Марғилонлик тадбиркор Иброҳим Султонов билан танишиб, маълум муддат унга шогирд ҳам тушди.

— Фаолиятимизни 2021 йилда бошлаганмиз, — дейди кластер раҳбари Нодир Маннонов. — Марғилонда малака ошириб қайтгач, кластер ташкил этиш мақсадида Шаҳрисабз шаҳар ҳокимига мақсадимни айтдим. У киши мени қўллаб-қувватлаб, нима ёрдам керак бўлса, барчасига тайёрлигини таъкидлади. Бундан руҳланиб, ишга киришдим. Асосий мақсадим уйда ишсиз ўтирган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш эди. Оқсарой мажмуаси ҳудудидан жой олиб, ҳаракатни бошлаб юбордим. Иброҳим ака ёнимда маслаҳат бериб турди. Дастгоҳлар келтириб ўрнатдик. Биринчи навбатда, “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган ҳамда ногиронлиги бор, қўлидан иш келадиган аёлларни ишга олишга эътибор қаратдик. Лекин уларнинг бандлигини таъминлашдан олдин ҳунарни яхши ўргатиш керак эди. Шу боис, иш ўргатиш мақсадида ўттиз нафар хотин-қизни олиб, Марғилонга бордик. У ерда маълум вақт тажриба оширгач, қайтиб келиб, фаолиятимизни тўлиқ бошлаб юбордик.

Шаҳрисабзда атлас тўқилмоқда

Кластер раҳбари таъкидлаганидек, Марғилонда иш ўрганиб қайтган 30 нафар хотин-қиз дастгоҳда ишлашни тез ўзлаштириб, қисқа фурсатда маҳсулот тайёрлай бошлади. Илгари фақат водий томонларда ишлаб чиқарилган атласу адраслар энди Шаҳрисабзда ҳам тўқиладиган бўлди. Чеварларнинг моҳирлиги матоларда акс эта бошлади. Айниқса, имконияти чекланган хотин-қизларнинг ишга таклиф этилиши уларни ғоят руҳлантирди.

— Қўлимдан иш келса-да, имкониятим чеклангани боис, бирор корхона ё муассасадан иш сўраб боришга ҳадиксираб юрардим, — дейди гилам тўқувчи Азиза Ҳасанова. — Бу ерга таклиф этишганида, аввалига адашмовчилик бўлса керак, деб ўйладим. Икки-уч бор чақиришгач, келдим. Мен каби хотин-қизлар кўп экан. Бошида бир оз қийналдим, лекин тезда ўрганиб кетдим. Ҳозир ростини айтсам, бекорчи бўлишга вақт йўқ. Доим бандман. Шунинг ортидан даромад топиб, оиламга нафим тегмоқда. Олдингидек кун бўйи бекор ўтирмасдан, ўз ҳунаримга эга бўлдим. Бунинг учун кластер раҳбариятига раҳмат.

Кўпчилик ишсиз хотин-қизлар қатори маҳалласидаги “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Нафиса Раҳмонова ҳам бугун ҳунармандлар кластерида адрас тўқувчи бўлиб ишламоқда. У бу касбни ўрганган заҳоти илғор тўқувчилар қаторидан жой олди. Меҳнатсеварлиги ортидан дастгоҳларни ишлатишни яхши ўрганиб, бугун етакчи устоз сифатида эътироф этилмоқда.

— Доим бирор ҳунарим бўлса дердим, — дейди Н.Раҳмонова. — Марғилонга адрас тўқиш сирларини эгаллаш учун борганимда, у ерда тенгдош дугоналаримга қилаётган ишларни кўриб, қойил қолдим. Улар ишни жуда чаққон бажаришарди. Тайёрлаётган миллий матолари эса кўзни қувнатарди. Биласизми, бир пайтлар бизнинг Кешда ҳам бу матолар тўқилган. Ҳозиргидек замонавий ускуналарда эмас, албатта, балки қадимий, қўлда ясалган ёғоч дастгоҳларда ишланган. Орада негадир тўхтаб қолган. Бугун бу ҳунар қайта жонланди. Энди адрас излаб, водийга бориш шарт эмас.

Шаҳримизга деярли ҳар куни дунёнинг турли мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюради. Улар бизнинг миллий маҳсулотларимизга қизиқиш билдириб, тайёрланиш жараёнини диққат билан кузатади. Қўл меҳнати маҳсулини юқори қадрлайди, сотиб олади. Меҳнатларимиз зое кетмаётганини кўриб, янада фаол бўлишга ҳаракат қиламиз.

Дунёга чиқадиган вақт келди

Кластер раҳбарининг айтишича, бугун корхона маҳсулотларини дунё бозорига чиқариш вақти келди. Сабаби, корхонада дастлабки пайтлар, яъни 2021 йилда 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич 350 миллион сўмга етди. Ўтган 2023 йилда эса ишлаб чиқариш ҳажми янада ортиб, 500 миллион сўмлик савдо амалга оширилди.

— Шу пайтгача фақат маҳаллий бозорларда савдо қилардик, — дейди Н.Маннонов. — Жорий йилдан Туркияга сотишни бошлаймиз. Кейинчалик бошқа мамлакатлар билан ҳам шартнома имзолашни режалаштиряпмиз. Шу кунларда сайёҳ сифатида келиб, ишимиздан намуналар олиб кетган айрим хорижлик ишбилармонлар ҳам қизиқиш билдирган. Агар улар билан келишувга эриша олсак, экспорт ҳажми янада ошиши аниқ.

Хабарингиз бор, Шаҳрисабз шаҳри 2024 йил Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг туризм пойтахти, дея эълон қилинган. Шу боис, бунга муносиб равишда ҳозирлик кўришимиз керак. Ташриф буюрувчи меҳмонларга туристик салоҳиятимизни намоён этиб, уларда миллий ҳунармандчилигимизга қизиқишни янада оширишимиз зарур.

Вилоятда биринчилардан бўлиб ташкил этилган ҳунармандлар кластерида айни пайтда ўттиздан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланган. Режага кўра, маҳаллий аҳоли фойдаланмаётган жун хомашёси қайта ишланиб, фойдали маҳсулотга айлантирилмоқда. Энг асосийси, миллий маҳсулотлар орқали мамлакат туризми ривожига ҳам ҳисса қўшиляпти.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 123.
8848 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 19:02 Топширилди — 00:25

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05